Наврўз айёмингиз муборак бўлсин!

Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2013-yil 21-mart, №12 (845)

Қадрият

*Узоқ қишдан сўнг қуёшнинг кўкла юз кўрсатиб, қирларда майса-гиёҳлар ниш уриб чиқишини халқимиз азал-азалдан орзиқиб кутади. 21 мартда кун билан тун тенглашиб, она табиат меҳр-мурувват кўрсатади ва кўкламдан дарак беради. Нав — янги, рўз — кун — янги кун, деб аталиши ҳам бежиз эмас. Шу боис, бу кунни форс, араб ва туркий тилларда сўзлашувчи халқлар ҳар йили баҳорда байрам сифатида нишонлаб келишади.*

## Заминнинг кўзидан уйқу қочган кун



Наврўз ҳақида улуғ боболаримиз Абу Райҳон Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", Маҳмуд Қошғарий "Девону луғотит турк" асарида жуда ҳам қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдиришган. Нафақат шоир, балки олим ва файласуф сифатида донг таратган Умар Ҳайём бу байрам ҳақида "Наврўзнома" номли махсус китоб ҳам ёзган. Навоийнинг устози Лутфий домла "Гул ва Наврўз" дея аталмиш ўлмас достонини яратганки, бу асар ҳамон бизга Наврўз ҳақида маълумот беришда давом этиб келаётир. Наврўз байрамига ўтмишда бир муддат ҳужумлар ҳам уюштирилди. Аммо у бу қатағондан эсон-омон ўтди. Бугун республикамизда барча Шарқ халқлари сингари Наврўз кўтаринки руҳда байрам қилинади.

Бу байрам кеча билан кундузнинг тенглашган пайти, баҳор фаслининг 21-22 март кунларидан бошлаб, бир ҳафта-ўн кун давомида нишонланади. Баҳор кириб келиб, келинчакдек яшил сепини кенг ёйгандан сўнг, ота-боболаримиз, буви-момоларимиз бу байрамни нишонлаб, турли-туман, ранг-баранг маросимлар ўтказишган. Далаларда баҳорги экин-тикин ишлари бошланиб, деҳқонлар ерга қўш солишган. Жамоа-жамоа бўлиб, ҳашарлар уюштиришган. Қишлоқ, маҳалла марказлари ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилган. Оммавий равишда мевали ва манзарали дарахтлар ўтказилган.

Наврўз таомлари ҳам ўзига хос бўлган. Улар орасида, айниқса, сумалак, ҳалим тайёрлаш анъанавий одат тусига кирган. Буғдой донини махсус идишларда қулай иқлим шароити яратиб, ундириб олингандан сўнг, бир кеча-кундуз катта дошқозонларда қайнатиб, сумалак тайёрлашган. Аслида бундай ҳаракатлар остида жуда улкан маъно бор. Унинг замирида бирга ҳаракат қилиш, нону тузни, топган-тутганини ўзаро баҳам кўришга интилиш ётади. Бундай жараёнларда турли-туман халқ ўйинлари, баҳор қўшиқлари ижро этилган. Китобхонликлар, турли совринли ўйинлар, мусобақалар ташкил этилган. Билаги бақувватлар улоқ, курашда ўзаро беллашсалар, кўнгилочар тадбирларда аскиябозлик, дор ўйинлари каби халқ томошалари ўтказилган.

Наврўз байрамининг энг аҳамиятли жиҳатларидан бири, кексаларга ҳурмат кўрсатиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, кўмак беришдир. Наврўзнинг яна бир муҳим хосияти, бу кунда етимлар, боқувчисини йўқотган болалар учун катта дошқозонлар осилиб, таомлар пиширилган.

**Ўз мухбиримиз**

## Хосиятли айём!

Ўзбекистон бугун ўз олдига қўйган улкан стратегик мақсад — энг ривожланган, илғор ва демократик давлат барпо этиш сари, тараққиётнинг ойдин йўлидан дадил одимламоқда. Буни мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан барқарор суръатларда ривожланаётганида, аҳоли турмуш фаровонлигининг изчил ва мунтазам равишда ошиб бораётганида, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кун сайин чирой очиб, обод бўлиб, янги қиёфа касб этаётганида, энг муҳими, тизимли равишда давом эттирилаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларида яққол кўриш мумкин.

Энг асосийси, одамларимизнинг руҳияти ва дунёқараши, ҳаётга, меҳнатининг натижасига муносабати, жаҳонда ва ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси тубдан ўзгармоқда. Фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, бурч ва масъулиятни англаш туйғуси кучайиб бормоқда.

Албатта, кейинги йилларда амалга оширилган кенг кўламли ва катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти, озод ва обод Ватан қуришга қаратилган, юртимизнинг қиёфаси ва ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартириб юборган том маънодаги тарихий ўзгаришлар ва ҳаётнинг ўзи, ҳақиқатан ҳам, биз қабул қилган тараққиётнинг "ўзбек модели" яккаю ягона тўғри йўл эканини яққол тасдиқлади. Бундай салмоқли ютуқлар шу заминда яшаётган, миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар, барча инсонларнинг азму шижоати, уларнинг ўз келажагига бўлган мустаҳкам ишончи, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, миллатлараро тотувликни сақлаш йўлидаги фидокорона саъй-ҳаракатларининг тотли мевасидир.

/Давоми 4-бетда/

Таҳлил

## Қулай муҳит, ишончли ҳимоя, янги имтиёзлар

***Маълумки, Ўзбекистон истиқлолга эришгач, тараққиёт йўлига ғов бўлиб келган тузум ва иқтисодиётнинг режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, қонун устуворлиги ҳамда бозор иқтисодиётига асосланган инсонпарвар ҳуқуқий, демократик давлат барпо этиш йўлини танлаган эди.***

***Ана шу мақсадда мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар босқичма-босқич амалга ошириб борилмоқда. Биз дунё тажрибасида синалган, ривожланган мамлакатлар тимсолида аллақачон ўз афзалликларини намоён этиб келаётган бозор муносабатларига асосланган ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ўзимизга хос йўлидан бориб, барча жабҳаларда юксак натижаларга эришиб келаяпмиз. Шу боис, бу йўл тараққиётнинг "ўзбек модели" сифатида жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилгани бежиз эмас.***

Юртбошимиз раҳнамолигида мустақил тараққиётимизнинг дастлабки босқичи — 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган давр мобайнида асосий эътибор бозор иқтисодиёти асосларини, авваламбор, унинг ҳуқуқий базасини шакллантиришга қаратилди. Мамлакатимизда улуғвор ўзгаришлар, демократик ислоҳотлар сари кенг йўл очган ниҳоятда муҳим қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Улар орасида Фуқаролик, Ер, Солиқ ва Божхона кодекслари, "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида", "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида", "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бор.

Тараққиётимизнинг кейинги босқичида қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Хусусий корхона тўғрисида", "Валютани тартибга солиш тўғрисида", "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунлар иқтисодиётни эркинлаштириш, мулкчиликнинг барча шаклларини ривожлантириш, мамлакатимизни модернизациялаш сари кенг йўл очиб, иқтисодиётимизнинг барқарор юксалишига, халқимиз фаровонлигининг йил сайин ошиб боришига хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Мазкур соҳага шу даражада катта эътибор қаратилишининг сабабини Юртбошимиз "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти" мавзуидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида қуйидагича изоҳлаган эди:

"**Биринчидан**, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодиётнинг муҳим таркибини ташкил қилувчи тармоқ бўлган кичик бизнес ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади.

Кичик бизнес нафақат иқтисодиётдаги маълум бир бўшлиқларни тўлдиради, балки уни диверсификация қилиш ва барқарор суръатлар билан ривожлантиришни таъминлашда ўта муҳим рол ўйнайди.

Тадбиркорлик бизнеси аҳоли бандлиги ва даромадининг ўсишини таъминлашда, айниқса, бизнинг шароитда қандай муҳим аҳамият касб этишини баҳолашнинг ўзи қийин...

**Иккинчидан**, тузилишига кўра ихчам, қарорлар қабул қилишда тезкор ва ҳаракатчан, янги тартиб-қоидаларни қисқа муддатда ўзлаштирадиган кичик бизнес жаҳон ва минтақалар бозорларидаги талаб ва конъюнктура ўзгаришларига анча тез мослашади.

**Учинчидан**, кичик бизнесни ташкил қилиш ва юритиш катта харажат ҳамда капитал қўйилмаларни талаб этмайди. Бу эса ишлаб чиқаришни тез ва осон модернизация қилиш, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, уларнинг номенклатурасини мунтазам янгилаб бориш ва рақобатдошлигини таъминлаш имконини беради.

**Тўртинчидан**, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва салбий оқибатларига йирик корхоналарга нисбатан ушбу соҳанинг бардош бера олиш қобилияти анча юқоридир.

/Давоми 5-бетда/

*Кўча бошида гурунглашиб қолган чоллардан бирининг чеҳраси тундлашди:*
*— Тавба, газ идорасидан келган янги назоратчи қизнинг фалон сўм қарзингиз бор, деганига жаҳлим чиқиб кетаяпти. Тўловни тўлаганимизга энди бир ойча бўлди-ёв, — деди қўшнисига дардини тўкиб.*

# Қарздорлик кўланкасидаги манфаатдорлик

**Бахтиёр ОТАЖОНОВ,**
Когон шаҳар прокурори
**Моҳира ШАКАРОВА,**
журналист

— Нимасини айтасиз? Бизникига ҳам келди. "Қизим, биз газ, светни пулини кечиктирмасдан пенсиямиздан берамиз," — десам ҳам ишонмайди денг...

Бу ҳангома аслидек ҳаётий ҳақиқатдан юлиб олинган бир чимдим тўқима. Аммо Когон шаҳар ҳудудидаги "Маданият", "Тинчлик", "Туркистон" кўчаларида истиқомат қилаётган, фойдаланилган газ тўловларини назоратчи Мухлиса Қурбоновага тўлаб, яна "қарздор" бўлиб қолган аҳолининг ҳақли эътирозидан бир мисол.

Вилоятда газ ва электр энергиядан дебитор қарздорликнинг кўрсаткичи ўсиб кетишида истеъмолчи айбдорми?

Мухлиса Қурбонова назоратчи сифатида ўз хизмат йўриқномасини жуда яхши билади. Истеъмолчилардан фойдаланилган газ тўловларини йиғиш борасида-ку, гап бўлиши ҳам мумкин эмас. "Ўзтрансгаз" акционерлик компаниясининг 2009 йил 30 октябрдаги фармойишига кўра, "Гарбгазтаъминот" унитар корхонасининг шу санадаги буйруғи билан филиал назоратчиларига истеъмолчилардан газ тўловларини йиғиш қатъиян ман этилган.

Ҳ.Жўраева, Ю.Усмонов, Р.Набиева, Г.Раҳимова, С.Рамазонова каби ўнлаб фуқаролардан газ тўлови учун йиғилган пулларни "Когонгаз" хазинасига тўлиқ топширмай, чўнтаги учун ҳам "улуш" чиқариб келган М.Қурбонова, жами 2 млн. 486 минг сўм маблағни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборади. Ишнинг йўриғини олган назоратчи опа даромад топишнинг бу тақлид қинғир йўлини давом эттириб, фуқароларнинг абонент карталарига асоссиз равишда сохта маълумотлар киритиб, уларни қалбакилаштирган ва Г.Муратова, О.Сулейманова, Б.Шарипов, А.Жўраев сингари ўнлаб фуқароларга 3 млн. 931 минг сўмлик нореал қарздорликни "юклаб" қўйганига нима дейсиз?

Газ идораси назоратчисининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатидан "Когонгаз" корхонаси мутасаддилари негадир бехабар қолишди. Жавобни эшитиб эса ҳайратингиз ошиши табиий. Филиал раҳбарияти, яъни мансабдор, жавобгар шахслар Нодир Амонов, Соли Иноятов, Камол Чориевлар ҳам ўзаро жиноий тил бириктириб, мансаб сохтакорлиги орқали 4 млн. 658 минг сўм маблағни ўзлаштириб, талон-торож қилиб юборишган экан.

"Когонгаз" филиалида молиявий ҳисобот ишлари тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабабли, жами 63 млн. 884 минг 500 сўмлик солиқ ва бошқа тўловлар қасддан тўланмай қолиб кетганлиги оқибатида давлат бюджети шунча миқдорда зарар кўрган.

Ҳар бир ходимнинг хатти-ҳаракатини назорат қилиш, мониторинг юритиш, фаолиятини тўғри йўлга қўйиш, хазинага келиб тушадиган пул маблағларини фойдали мақсадларга йўналтириш ўрнига раҳбарнинг ўзи корхонага тегишли бўлган пулларни ўзлаштирса, унинг кўл остида ишлайдиган ходимлардан нимани кутиш мумкин?!

Энди бўлса, кўпга бош кишининг ҳам, оддий ходимнинг ҳам фаолиятида ҳалоллик мезон бўлса, қонунбузилишларнинг олди олинар, кўпнинг ишончига путур етмас, ишончли, деган тамға ҳам орттирилмас эди, дейишдан ўзга чорамиз йўқ.

# Шаънига доғ туширди

*Бўлиши мумкин эмас, деяётгандирсиз. Афсуски, шунақаси ҳам бўлар экан. Ўқитувчи, устоз, муаллим, деганда кўз олдимизга энг улуғ ва мўътабар касб эгалари келади. Улар доимо ҳурматга ва эъзозлаарр. Зеро, устозлар барчамизга ёзишни ва ўқишни, фикрлашни ўргатишган, оқ ва қорани танитиб, катта ҳаётга кузатишган.*

**Тўлқин АБДУЛЛАЕВ,**
СВОЖЖДЛКҚ департаментининг
Бағдод туман бўлими бошлиғи

Надоматлар бўлсинким, шундай мўътабар касб эгалари ичига адашиб кириб қолган, ақли ўрнига нафсига қулоқ соладиган шахслар ҳам учраб турибди.

Келажак авлоднинг таълим-тарбияси, эркин касб-ҳунар эгаллаши давлат эътиборидаги муҳим масалалардан бири эканлиги ҳаммамизга маълум. Ёшларнинг бундай ҳуқуқлари қонун билан кўриқланади. Шу боис СВОЖЖДЛКҚ департаменти ходимлари томонидан мактаб битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичи — лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларига жалб қилиниши, бу жараёнда мактаб, лицей ва коллежлар раҳбарларининг бурч ва вазифаларини қандай ўтаётганликлари назоратга олинган. Агар бу борада мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш ёки тамагирлик ҳолатлари рўй берса, уларни аниқлаш борасида тезкор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Департаментнинг Бағдод туман бўлимига тумандаги 30-умумтаълим мактаби директори Р.Имомова номидан ариза тушди. Унга кўра, Бағдод транспорт ва қурилиш касбҳунар коллежи ўқитувчиси Манзура Жўраева ушбу мактабнинг 8 нафар битирувчиларини коллежга ўқишга қабул қилиш эвазига ҳар биридан 200 АҚШ долларидан пора талаб қилган экан.

Мурожаат юзасидан ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан департаментнинг Бағдод туман бўлими томонидан ҳамкорликда 2012 йил 23 июнь куни ўтказилган тадбир чоғида Бағдод транспорт ва қурилиш касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси М.Жўраева мактаб директори Р.Имомовадан 1600 АҚШ доллари қийматидаги 4 млн. 600 минг сўм пулни олган вақтда ушланган.

Ушбу ҳолат юзасидан М.Жўраевага нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди. Жиноий иш суд томонидан кўриб чиқилди ва тамагирлик кўчасига кириб, жиноят содир этган М.Жўраевага маълум муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқи чекланиб, ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида давлат даромади ҳисобига ушланиб, аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Бу воқеани эшитган софдил, ҳалол ўқитувчилар хижолат бўлаётганликлари аниқ. Аммо шундай кўнгилсиз ҳолатни келтириб чиқарган М.Жўраева энди ҳамкасбларининг кўзига қандай қарар экан?

# Кўпчиликнинг ҳақи юқмайди

*Ҳозирги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, кўчаларнинг тозалигини сақлаш муҳим вазифалардан саналади. Андижон вилоятидаги "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Андижон шаҳар бўлинмаси ҳузуридаги "Маҳалла қувончи" шўъба корхонаси айнан мана шундай эзгу ишларни амалга оширишни мақсад қилган эди. Афсуски, бу корхона бошлиқлари тозаликни сақлаб, дилларга қувонч улашиш ўрнига, фуқароларнинг хизмат ҳақи учун тўлаган пулларини ўз манфаатлари йўлида ишлатиб юборишлар.*

**Икромжон ЖЎРАЕВ,**
СВОЖЖДЛКҚ департаментининг Андижон
вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

Корхона раҳбари Раҳимжон Хаитов бош ҳисобчи Азизахон Дарвешова билан ўзаро жиноий тил бириктириб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги "Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланилишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори талабларига зид равишда фаолият юритдилар. Улар корхонага бириктирилган маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги аҳолидан маҳаллий чиқинди учун йиғилган 57 млн. 415 минг 200 сўм нақд пулларни корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамига топширмасдан хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишди.

Хизмат учун тўланган пуллар жойига қўйилмагач, тизим ўз-ўзидан бузилиб, оқибатда чиқиндилар махсус жойларга чиқариб ташланмасдан, кўчаларда қолиб кетди. Бундан ташқари, корхона раҳбари Раҳимжон яна янгиянги найранглар ўйлаб топиб, қонунбузилишларга йўл қўйди. Яъни у ишчилар сони 25 киши эканлиги тўғрисида сохта ҳужжат тайёрлади. Аслида эса, корхонада 2010 йилнинг август-декабрь ойларида 55 нафар, 2011 йил давомида 47 нафар ишчи бор эди. У бундай ноқонуний ҳаракати билан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш қоидаларини бузди. Р.Хаитов ўзининг турли жиноий ишлари орқали жами 180 млн. 773 минг 600 сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Шунингдек, корхонанинг ишчи-хизматчилари ойлик иш ҳақларидан ҳам 50 млн. 709 минг сўм қарзи бўлиб, бошлиқ ва ҳисобчи бу пулларни тўлаш чорасини кўрмаганлар.

Корхонада текшириш ўтказилганида, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлик, шунингдек, бошқа бир қатор камчиликлар ҳам борлиги аниқланди. Суриштирув жараёнида раҳбар ва бош ҳисобчининг кирдикорлари фош бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Улуғнор туман суди айбдорларга нисбатан ўз ҳукмини эълон қилди. Унга кўра, нафсига эрк бериб, катта миқдордаги маблағларни талонторож қилган бу кимсалар икки йил мобайнида моддий жавобгарликлари бор бўлган мансаб вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, энг кам ойлик иш ҳақининг 310 баравари миқдорида жарима жазосига тортилдилар.

# Сохта тадбиркорлар

*Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашда тадбиркорликнинг ўз ўрни ва мавқеи бор. Шундай бўлса-да, хусусий бизнес соҳасида носоғлом рақобат муҳитини туғдираётган, контрабанда йўли билан товар олиб келаётган ёки хуфиёна ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган сохта тадбиркорлар ҳам учраб турибдики, уларнинг қинғир фаолиятлари натижасида иқтисодиётимизга жиддий зарар етказилмоқда. Ана шундай ноқонуний фаолиятнинг пайини қирқиш учун Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКҚ департаментининг Денов туман бўлими ходимлари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда кескин чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.*

**Ҳайбат ИСМАТУЛЛАЕВ,**
СВОЖЖДЛКҚ департаментининг
Денов туман бўлими бошлиғи

Бўлим ходимлари томонидан туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда Денов шаҳридаги Ч.Ёқубов кўчаси 3-уйда яшовчи фуқаро М.Муҳаммадиев яшаш уйининг ёрдамчи хўжалигида яширин равишда қўлбола мойжувоз ускунасини ўрнатганлиги, шунингдек, электр энергиясига ўзбошимчалик билан уланиб, жиноий йўл билан қўлга киритилган пахта чигитидан ўсимлик ёғи ва кунжара ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётганлиги аниқланган. Воқеа жойидан бир дона қўлбола мойжувоз ускунаси, 3100 килограмм чигит, 450 килограмм кунжара, 60 литр тозаланмаган мойга ўхшаш суюқлик ва бошқа товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Шунингдек, департаментнинг Денов туман бўлими томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда "Қ.Каримов" маҳалласида ўтказилган тадбирда фуқаро Б.Ашурматов яшаш уйининг ёрдамчи хўжалигида ноқонуний равишда қўлбола мойжувоз ускунаси ўрнатиб, жиноий йўл билан топилган пахта чигитидан ёғ маҳсулоти ишлаб чиқараётганлиги ва бунинг оқибатида электр тармоқлари корхонасига 563,7 минг сўм миқдорида зарар етказганлиги аниқланди. Бир дона мойжувоз ускунаси, 1240 кг. чигит, 850 кг. кунжара, 20 кг. пахта ёғи ва бошқа ёрдамчи маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан ҳуқуқбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланган.

# Тадбиркорга қулай имкониятлар

**Ойбек ҲОШИМОВ,**
Фурқат туман прокурори



Янги таҳрирда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун, Президентимизнинг, ҳукуматимизнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган фармон ва қарорлари ижросининг таъминланиши ўз самарасини бермоқда. Иқтисодиёт жадал суръатларда ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси муттасил равишда ўсиб бормоқда. Буни туманимиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Аввало, тадбиркорлик субъектларининг сони, уларнинг нафақат савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари, ишлаб чиқаришдаги салмоғи тобора ортиб бораётгани кўзга ташланмоқда. Хусусан, ўтган йил ва жорий йилнинг февраль ойига қадар тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясига фуқаролардан 492 та ариза келиб тушган. 115 та юридик шахс, 377 та жисмоний шахс тарзида тадбиркорлик фаолиятини бошлашга оид аризалар ўз вақтида ҳал этилиб, тегишли тартибда гувоҳномалар берилган. 54 нафар якка тартибдаги тадбиркорлар қайтадан давлат рўйхатидан ўтказилган. Туман ҳокимлиги томонидан қонунга мувофиқ равишда 79 та тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган қарорлар қабул қилинган.

Президентимизнинг "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг ижросини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Фармонга биноан, тадбиркорларга қулайлик яратишни кўзлаб, 2012 йил 1 августидан 12 та статистик ҳисобот шаклларининг даврийлиги, 2013 йил 1 январидан эътиборан эса 68 та статистик ҳисобот шакллари қисқартирилган. Бундан тумандаги барча тадбиркорлик субъектлари хабардор қилинган. Маҳаллий матбуот нашрларида фармоннинг мазмун-моҳияти шарҳлаб берилган.

Туман Давлат солиқ инспекциясига интернет орқали ҳисобот юборишни йўлга қўйган, электрон рақамли имзо олган тадбиркорларнинг сафи кенгайиб бормоқда. 2013 йил 1 февраль ҳолатига 563 та хўжалик юритувчи субъектларнинг 239 таси электрон рақамли имзо билан таъминланган. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан туман Давлат солиқ инспекциясига уч ойлик, яъни чорак бўйича ҳисоботларни чорак якунидан кейинги ойнинг 25 кунигача тақдим этиш ва қабул қилиб олиш борасидаги қонун талабларига риоя этилиши таъминланмоқда.

Шу билан бирга, туман ҳокимлиги ҳузуридаги давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтказиш, рухсат берувчи ҳужжатларни тақдим этиш, гувоҳномалар бериш, белгиланган миқдорда йиғимлар ундириш, реестрни юритиш, солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйиш, тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш каби жараёнларда айрим хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Жумладан, инспекция томонидан тадбиркорларнинг аризаларини кўриб чиқишда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун талабларига амал қилинмаган. Фуқароларни қабул қилиш кунлари ва соатлари белгиланган жадвал тузилмаган. Инспекциянинг иш режасида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тартиб ва қоидаларини оммалаштириш борасидаги тарғибот тадбирлари, матбуот ва телевидение орқали чиқишлар кўзда тутилмаган. Бундан ташқари, инспекция томонидан ҳар чоракда тадбиркорлик субъектларининг сонига аниқлик киритиш учун туман ДСИ ва статистика бўлими билан солиштирма далолатномалар тузиб борилмаган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида қабул қилинган туман ҳокимининг тегишли қарорига биноан танлов комиссияси томонидан шаҳарча ва қишлоқларда 29 та ер участкалари танловга қўйилган. Юридик ва жисмоний шахсларга 16 та ҳолатда ер майдонлари ажратиб берилган. Бироқ ушбу жараёнда, айрим аризаларни ҳал этишда сансалорликка йўл қўйилган. Хусусан, Калдушон қишлоғида яшовчи фуқаро Ш.Абдуллаеванинг автомобилларни жузъий таъмирлаш устахонаси қуриш учун ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси туман ҳокимлигида белгиланган тартибда рўйхатга олиниб, кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун туман архитектура ва қурилиш бўлимига чиқарилган. Бўлим бошлиғи О.Эшонқулов томонидан ариза қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқилмаган. Ер майдони ажратиш борасидаги қарор ҳақида ариза муаллифи хабардор қилинмаган, унга жавоб хати юборилмаган. Шунингдек, Жалоер қишлоғида яшовчи М.Қурбонованинг чойхона ва маиший хизмат шохобчасини, Томоша қишлоғилик М.Нуриддинованинг Чеккўприк қишлоғида савдо дўконини қуриш учун ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаларини кўриб чиқиш ва ҳал этишда ҳам қонунда белгиланган муддатларга риоя этилмаган.

Туман "Ермулккадастр" хизмати давлат унитар корхонаси томонидан ҳам "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун талабларини бузиш ҳолатларига йўл қўйиб келинган. Чунончи, Томоша ҚФЙ Қурултой қишлоғида яшовчи фуқаро Ш.Олимовнинг уй-жойига кадастр ҳужжатини тайёрлаб беришни сўраб ёзган, 2012 йил 20 январь куни 43-рақам билан рўйхатга олинган аризаси корхона бошлиғи вазифасини бажарувчи К.Тусматов томонидан асоссиз равишда белгиланган муддатларда кўриб чиқилмаган, ариза муаллифига жавоб хати юборилмаган.

Таҳлилларда аниқланган юқоридаги қонунбузилиши ҳолатларига нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Тадбиркорлар билан бевосита мулоқотларда соҳага оид қонун ва қонуности ҳужжатлари шарҳлаб берилмоқда. "Ишонч телефони" орқали олинган мурожаатлари қонуний ҳал этилмоқда. Чунончи, прокуратура аралашуви билан Бекобод қишлоғилик тадбиркор М.Қосимовага тикув машиналари хариди учун банкдан кредит ажратиб берилди. Яна олтита ҳолатда тадбиркорларнинг турли муаммолари ҳал этилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қонун ва қонуности ҳужжатлари ижрога қаратилиб, тадбиркор фуқаролар ўз ишларини бошлашлари, фаолият доирасини кенгайтиришлари учун яратилган қулай имкониятлардан фойдаланишмоқда. Туман маркази, қишлоқларда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, шунингдек кичик ишлаб чиқариш корхоналари тобора кўпайиб бормоқда. Янги иш ўринлари яратилиб, бандлик муаммосини ҳал этиш имкониятлари кенгаймоқда.

# Почтадаги қинғирликлар



***Одилхон Бақоев 2004 йилдан буён Тайлоқ туман почта алоқа тармоғи бошлиғи лавозимида ишлаб келарди. Кўп йил ишлаб, тажрибаси ошиб борган сари кетма-кет хатоларга йўл қўйди, баъзида била туриб жиноятларга қўл урди. Бошлиқ бош ҳисобчи Х.Ҳамидов, бош хазиначи А.Жўраевлар билан тил бириктирди. Бир неча тармоқ алоқа бўлимлари бошлиқларини ҳам "ўз даврасига" тортди. "Боғизағон", "Галаботир", "Элипок", "Олмазор", "Файзиобод", "Адас", "Бахшитепа", "Сочаки боло", "Украч" ва "Эскижума" алоқа бўлимлари бошлиқлари "катта"ни қўллаб келганча қўллаб-қувватлашди.***

**Камолиддин ЖАВДАНОВ,**
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим АМИБ катта терговчиси

Пенсия ва ижтимоий нафақалар учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тайлоқ туман бўлими томонидан туман почта алоқа тармоғи ҳисоб рақамига 2012 йил январь февраль ойлари учун 3 млрд. 396 млн. 180 минг сўм маблағ кўчириб берилган. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси билан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Самарқанд филиали ўртасида тузилган шартномага кўра, филиал томонидан пенсия, ижтимоий нафақалар ва компенсация пуллари фуқароларга ўз вақтида, тўлиқ тарқатилиши ва ўтказилган пул маблағлари мақсадли ишлатилиши учун жавобгарлик почта бўлимлари раҳбарлари зиммасига юкланган.

Бош хазиначи А.Жўраев маблағни "Агробанк" ОАТБ Тайлоқ филиалидан нақд пул шаклида ўз жавобгарлигига қабул қилгач, пулларни ҳақиқий эгаларига етказиш ўрнига бошқача йўл тутади.

2012 йил 1 январь ҳолатига Тайлоқ почта алоқа тармоғининг аҳолидан йиғиб олинган электр энергияси тўлови ҳисобидан "Тайлоқ туман электр таъминоти" корхонасидан 43 млн. 123 минг сўм кредиторлик қарзи мавжуд эди. Январь ойида эса электр энергияси тўлови учун 11 млн. 668 минг сўм йиғиб олинган эди. Шунга қарамай, банкдан пенсия ва ижтимоий нафақа учун олинган 1 млрд. 700 млн. сўмдан 127 млн. 331 минг сўмини электр энергияси учун йиғиб олинган пулларга қўшиб, жами 139 млн. сўмни қалбакилаштирилган ҳужжатлар орқали Тайлоқ почта алоқа тармоғининг «Агробанк» ОАТБ Тайлоқ филиалидаги ҳисоб рақамига топшириб, шундан 137 млн. сўмини "Тайлоқ туман электр таъминоти" корхонасининг ҳисоб рақамига ўтказиб юборишди. Бу билан пенсионерлар ва бошқа нафақа олувчиларнинг манфаатларига жиддий зиён етказилди.

Шунингдек, январь ойида табиий газ тўлови учун 29 млн. 91 минг сўм йиғиб олинган бўлса-да, банкдан олинган маблағдан 199 млн. 908 минг сўмни аҳолидан табиий газ тўлови учун йиғиб олинган пул сифатида кўрсатиш мақсадида йиғиб олинган нақд пулларни қўшиб, жами 229 млн. сўмни банкка топширишди. Ушбу пулга почта алоқа тармоғида мавжуд бўлган терминаллар орқали банк ҳисоб рақамига келиб тушган 6 млн. сўмни қўшиб, жами 235 млн. сўм пулларни "Тайлоқтумангаз" филиалининг ҳисоб рақамига ўтказиб юборишди. Бу билан ўзларига ишониб топширилган ўзгаларнинг жуда кўп миқдордаги мулкини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишди.

Бу ҳолат февраль ойида ҳам такрорланди. Пенсия ва ижтимоий нафақа пулларининг бир қисми ўз эгаларига етиб бормай, ҳужжатларни қалбакилаштириш орқали электр энергияси ва табиий газ учун тўлов сифатида банкка топширилган.

Шундан сўнг улар жиноий ҳаракатларини давом эттиришиб, 2012 йил январь-февраль ойларида Тайлоқ почта алоқа тармоғи томонидан туманда яшовчи фуқароларга пенсия ва ижтимоий нафақалар учун берилиши лозим бўлган ва ўзлари томонидан растрата қилиш йўли билан талон-торож қилинган пулларни нафақа олувчиларга тарқатиш учун алоқа бўлимларига берилган қилиб кўрсатишган. Ҳисобхона ҳужжатларида ушбу суммани 14 та алоқа бўлимларига тақсимлаш йўли билан ҳар бир алоқа бўлимига пенсия ва нафақа учун берилган пулларга муайян миқдордаги суммаларни қўшиб ёзишди. Ҳужжатлар қалбакилаштирилиши натижасида алоқа бўлимларида камомад вужудга келишига сабабчи бўлишди.

Жумладан, бош ҳисобчи Х.Ҳамидов, бош хазиначи А.Жўраев ҳамда "Боғизағон" алоқа бўлими бошлиғи А.Абдуназаров ҳудудда яшовчи фуқароларга январь-февраль ойларида пенсия ва ижтимоий нафақалар тарқатилиши лозим бўлган суммасига нисбатан аслида берилмаган 48 млн. 879 минг сўмни қўшиб ёзишди. Бу пуллар алоқа бўлими хазинасига тўлиқ кирим қилинганлиги ҳақида қалбаки ҳужжат тузишни унутишмади.

Қинғир иш барибир узоққа бормайди. Тайлоқ почта алоқа тармоғи бошлиғи ва ходимларининг қилмиши кўп ўтмай ошкор бўлди. Суд уларнинг ҳар бирига қилмишига яраша энг кам иш ҳақининг 150 бараваридан 350 бараваригача миқдорда жарима жазоси тайинлади.

# Хосиятли айём!

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Буюк Мустақиллик туфайли ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқини қўлга киритдик. Истиқлол бизга миллий қадриятларимизни, қадимий меросимизни, маънавий бойлигимизни, энг гўзал, бетакрор, ҳеч бир халқникига ўхшамайдиган урф-одат, анъана ва удумларимизни, бир сўз билан айтганда, ўзлигимизни қайтарди. Ана шулардан бири шубҳасиз, узоқ йиллар оғир қатағонлардан омон чиққан миллий айёмимиз — Наврўздир.

Муҳтарам Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарларида шундай таъкидлайдилар: "Миллий маънавиятимиз азалдан қандай омил ва мезонлар негизида шаклланиб келаётгани халқимиз учун энг азиз ва энг миллий байрам — шарқона янги йил бўлмиш Наврўз айёми мисолида айниқса ёрқин намоён бўлади.

Барчамиз доимо орзиқиб кутадиган ва катта хурсандчилик, шодиёна билан ўтказадиган Наврўз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатини, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, янгиланиш ва эзгулик тимсоли бўлган Наврўз фалсафаси халқимизга мансуб одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби юксак хусусиятлардан озиқланиб келгани, аждодларимиз асрлар давомида қандай буюк умуминсоний ғоялардан баҳраманд бўлиб, маънавий камол топганининг яна бир тасдиғидир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди".

Дарҳақиқат, Наврўзи оламни биз барча Шарқ халқлари қатори минг-минг йиллардан буён миллий табиатимиз ва одатимиздан ажратиб бўлмайдиган, энг қадимий ва энг севимли, ҳақиқий оммавий халқ байрами сифатида нишонлаб келамиз. Зеро, бу айём чуқур мазмун-моҳияти, теран фалсафаси билан юракларимиздан алоҳида ўрин эгаллаган, уни яшариш ва янгиланиш палласи, шарқона янги йилнинг дебочаси сифатида эъзозлаймиз.

Фасли навбаҳорда табиатнинг уйғониши, борлиқнинг кўз очишига уйғун тарзда киши ўзини қайта туғилгандек ҳис этиб, қалблар покланади, руҳ тиниқлашиб, бутун вужудда эзгу саъй-ҳаракатлар жўш уради. Бунинг тасдиғи Наврўз эшик қоққан айни кунларда барча кенту қишлоқларимиз, воҳаю водийларимизда ажиб кўтаринкилик ила давом этаётган тантаналар, халқ сайиллари, тансиқ баҳорий таомлар тайёрлаб, уларни ўз яқинлари, ёру дўстлари, маҳалла-кўй билан баҳам кўраётган минг-минглаб юртдошларимизнинг шоду хуррамлигида яққол акс этмоқда.

Инчунун, диёримиздаги ана шундай беғубор, соф ва самимий, дилкаш онлардан завқланиб, биз қандай саховатли, одамохун, чексиз меҳр ва оқибатли, диёнатли, кўнгли очиқ, кўкси осмон халқнинг фарзандлари эканимиздан қалбимизда яна бир бор ғурур ва ифтихор туямиз.

Яна шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, халқимиз асрлар бўйи эъзозлаб келаётган Наврўзи оламнинг қадри ва аҳамияти йилдан-йилга ортиб, бугунги замон анъаналари билан бойиб бормоқда. Аҳоли орасида бу кун билан чамбарчас боғлиқ бўлган юксак инсонийлик фазилатлари ва чинакам маънодаги одамийлик хислатлари шаклланганi эса, Наврўзнинг бугунги ҳаётимизда нақадар муҳим ўрин тутишидан далолатдир. Байрам кунлари бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиш, қариялар, ногиронлар, ёлғизлар ва беморлар ҳолидан хабар олиш, сумалак, кўк сомса, ҳалим каби баҳорий таомлар билан йўқлаш, хайрия, саховат тадбирларини ўтказиш, ҳашар уюштириш, отчопар, кўпкари, кураш сингари халқ ўйинлари, сайиллар уюштириш, Ватанни, баҳорни, она заминни улуғловчи лапарлар куйлаш ана шулар жумласидандир. Эътиборга молик жиҳати, бу айёмда турли келишмовчиликлар, адоват ва гина-кудуратлар унутилиб, кўнгилларда дўстона муносабатлар, ҳамжиҳатлик, эзгулик, меҳр-шафқат куртаклари ниш уради. Бободеҳқон энг олий ниятлар, умид ва ишонч, янги орзу-истаклар ила ерга барака уруғини қадайди. Зеро, бу буюк аждодларимиздан бири Берунийнинг бундан минг йил аввал ёзган "Ҳиндистон" номли асаридаги "Ҳар бир халқнинг удум ва анъаналари ўша халқнинг юз йиллар давомида шаклланган турмуш тарзининг ифодаси" эканидан далолатдир.

Чиндан ҳам, биз учун энг қадимий, асл миллий, ҳар қандай сиёсатдан холи, узоқ ўтмишдан қадриятларимизнинг чинакам тимсоли бўлиб келаётган хосиятли айём — Наврўзи оламнинг умуминсоний цивилизация ривожига қўшган ҳиссаси улкан ва беқиёсдир.

**Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

Шу боис ҳам, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2010 йилдан бошлаб бу байрамни "Халқаро Наврўз куни" деб тан олди.

Яқин тарихимизни ёдга олайлик. Собиқ иттифоқ даврида кўплаб миллий қадриятларимиз қатори Наврўз ҳам "диний байрам" сифатида қувғинга учради. Шукрким, эрк ва озодлигимиз билан бирга у яна қайта тикланди. Юртбошимизнинг мамлакатимиз ҳали ўз мустақиллигига эришмай туриб, Наврўзни умумхалқ байрами сифатида нишонлаш ва шу кунни дам олиш куни, деб эълон қилиш тўғрисидаги Фармони ўша сўронли йилларда жуда катта маънавий жасорат эди.

Мустақиллик шарофати билан мана бир неча йилдирки, янги кун ва янги фасл дебочаси, шарқона янги йилнинг бошланиши бўлмиш Наврўз айёмини юртимиздаги барча миллат ва элат вакиллари катта хурсандчилик, шоду хуррамлик ила нишонлаб келмоқда.

Айниқса, "Обод турмуш йили"да Наврўзи олам бахш этаётган кўтаринкилик ўзгача. Юртимизнинг энг чекка овулларидан тортиб, қишлоқу кентларимизгача бу айём муносиб ютуқлар билан қарши олинмоқда. Қаёққа қараманг, баҳорий юмушлар, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари авжида. Қувонарли томони, кўнгиллардан бошланган ободлик хонадонларимизда, турмуш тарзимизда ҳам тобора теранроқ акс этмоқда.

Биз эришаётган улкан марралар — барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, ривожланган демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтариш, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз бароридан келаётгани эса, айни муддаодир.

Жаҳон ҳамжамиятининг ҳайрат ва ҳавасига сазовор бўлаётган бундай катта ютуқ ва улкан муваффақиятлар мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида аниқ мақсад билан изчил олиб борилаётган, чуқур ўйланган ислоҳотларни ҳаётга жорий этиш ва маънавий турмушимизни юксалтиришга йўналтирилган оқилона ва узоқни кўзловчи сиёсатнинг амалий ифодасидир.

Энг муҳими эса, юртимизда тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлиги, Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элатларнинг қўлни қўлга бериб, аҳил ва тотув яшаётгани, буюк марралар сари ҳамжиҳатликда қадам ташлаётганидир.

Ҳар йили Наврўздан Наврўзгача бўлган муддат оралиғида ҳаётимиз сифати, мамлакатимиз қиёфаси қандай ўзгариб бораётгани, қандай ютуқ ва натижаларга эришганимиз, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида қандай суръатлар билан ривожланиб бораётганимиз эса, нафақат ўзимизга, балки бутун дунёга аён бўлган ҳақиқат. Ана шу залворли одимларимиз ва салмоқли муваффақиятларимиз бизни янги-янги марралар сари элтаверсин. Бу йилги Наврўзи олам ҳам юртимизга катта ютуқлар, тинчлик-омонлик, қут-барака, бахт, омад олиб келаётгани рост бўлсин!

# Ўлкамизга Наврўз келди



*Ўлкамизга баҳор келиши билан халқимиз 21 март — Наврўз байрамини интиқлик билан кутади. Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ халқларининг энг қадимий янги йил байрами сифатида минг йилликлар мобайнида нишонланиб келинган бу айём ҳақида буюк қомусий олим, ватандошимиз Абу Райҳон Беруний "Китоб ат тафҳим" (маъноси — "тушунтириш") ва "Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар", Маҳмуд Қошғарий "Девону луғотит-турк", Умар Ҳайём эса "Наврўзнома" номли асарларида муҳим маълумотлар келтиришган.*

**Максуд ДАВЛЕТҚИЛИЧЕВ,**
Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг катта ёрдамчиси

Аждодларимизнинг ақл-заковатига қойил қолиш керак: айнан улар йил бошини, яъни янги йилни табиий қонуниятларни ҳисобга олган ҳолда белгилашган. Демоқчимизки, қайсидир пайғамбарнинг туғилган куни билан боғлаб, унга диний тус беришмаган. Илмни асос қилиб олган ҳолда қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кеча билан кундузнинг баробар келишини йил боши сифатида қабул қилишган. Бунинг учун чуқур астрономик, табиий кузатишлар олиб боришган. Аждодларимиз эски қуёш йили ҳисобида 22 март айнан кеча билан кундузнинг тенглашган вақти ва кундузнинг узая бошлаши, табиатда жонланиш, баҳорнинг бошланиш даврига тўғри келишини аниқ ҳисоблаб чиққанлар.

Ўша замонларда ҳам Наврўз анъанасига қатъий амал қилинган. Яъни шоҳлар турли тоифага мансуб аҳолига тортиқ улашганлар. Маҳбуслар озод қилинган. Уй-жойлар тозаланиб, хонадонлар турфа гуллар билан безатилган. Ота-она, қариндош-уруғ, ёру дўстлар, беморлар билан дийдорлашишган. Марҳумлар қабри зиёрат қилинган. Сумалаклар, Наврўз таомлари қайнатилиб, қўшнилар, хонадонларга улашилган. Наврўз куни катта томошалар уюштирилган. От чопиш, кураш, қўчқор уриштириш, кўпкари, тош кўтариш, арқон тортиш каби мусобақалар ўтказилиб, ғолибларга совринлар инъом қилинган.

Албатта, Наврўз байрами ҳар бир вилоятда ўзига хос тарзда ўтказилган. Масалан, Хоразмда байрамнинг асосий неъмати — сумалакдан ташқари Наврўз гўжаси ҳам пиширилган. Аёллар, момолар оқ жўхорини келида туйиб, ёрма ҳолига келтиришгач, қозондаги сувда қайнатишган. Устидан айрон ёки қатиқ қуйишган. Бу маросимнинг ўз қўшиқлари бўлган.

Сумалак қайнатишнинг ҳам ўзига хос қоидалари бўлган. Баҳор неъматини қайнатиш бир кеча-кундуз давом этган. Бундай пайтда ҳеч кимга ухлашга ва қозондан сумалак ялашга рухсат берилмаган. Мабодо биронта қиз ёки келинчак ухлаб қолса, қозон бошидаги кайвони кампирлар ухлаб қолган кишининг оғзига сумалак суркаб қўйишган. Уйғонганидан кейин: "Сен сумалакни ўғирлаб, ебсан. Таомилни бузибсан!" деб ёлғондакам дўқ-пўписа қилишган.

Хоразмда "арава тортиш" деган яна бир удум мавжуд бўлган. Бу удумда кучли от ва араваси бўлган йигитлар биронта тепалик устига чиқиш мусобақасини ўтказишган. Ғолибларга қизлар ўзлари тўқиган рўмолларни совға қилишган. Йигитлар ўзлари севган қизларга новвот, ҳолва, пашмак сингари ширинликлар тухфа этишган.

Собиқ Шўролар тузуми даврида ана шундай гўзал байрамга бўлган салбий муносабатни яхши биламиз. Аммо шундай қалтис вазиятда ҳам халқимиз Наврўзни нишонлашда давом этган.

Юртимиз мустақилликка эришгач, Юртбошимиз Наврўз байрамини миллий анъаналаримизнинг ажралмас бир бўлаги сифатида нишонлашимиз учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Бугун серқуёш диёримизнинг қай гўшасига борманг, қувончу шодлик, ўйин-кулгу ҳамда турли томошаларнинг устидан чиқасиз. Ҳашарга чиққан пиру бадавлат отахонлар, мунис онахонлар, қиз-жувонлар, норғул йигитларнинг ободонлаштириш ишларида жараёнида қатнашаётганига гувоҳ бўласиз. Айниқса, Наврўз кунларида ёлғиз яшовчи, боқувчисини йўқотган, ногиронларнинг ҳолидан хабар олиш яхши анъанага айланган.

Шу кунларда Орол бўйида ҳам Наврўз кенг нишонланмоқда. Бу борадаги ишлар маҳаллий ҳокимият органлари, маҳалла ва овул фуқаролар йиғинлари, ички ишлари бўлимлари билан ҳамкорликда ташкил қилинган. Чунки, муқаддас ўзбек заминига Наврўз олам кириб келди.

Байрам қутлуғ бўлсин, азизлар! Она Ватан, сенга истиқлолдан кейинги йигирма иккинчи баҳоринг муборак бўлсин. Янги кун, янги йил халқимизга фаровонлик, бахту саодат олиб келсин!

# Қулай муҳит, ишончли ҳимоя, янги имтиёзлар

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

**Худойқул ТУРДИБОЕВ,**
Қашқадарё вилоят прокурори

**Бешинчидан**, кичик тадбиркорлик нафақат даромад манбаи, балки одамларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқариш воситаси ҳамдир. Мазкур соҳа ҳар бир кишига ўз истеъдоди ва имкониятларини намоён этиш учун замин туғдирмоқда, шу тариқа ташаббускор, омилкор, мустақил фаолият юрита оладиган, ўз олдига қўйган мақсадларига эришишга қодир инсонлар тоифасини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўрта синфни шакллантириш учун мунтазам кенгайиб бораётган база бўлиб хизмат қилмоқда. Ўрта синф эса, маълумки, ҳар қандай демократик жамиятнинг асоси бўлиб ҳисобланади".

Шунингдек, мустақиллик туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлган оилавий тадбиркорлик учун ҳам имкониятлар кўлами кенгайди. Ўтган йили қабул қилинган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддасида оилавий корхона иштирокчиларига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойларни улардан оилавий корхона фаолиятида фойдаланиш мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган жойларга айлантириш талаб қилинмаслиги, 28-моддасида эса оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, электр энергияси, газ, сув, иссиқлик таъминоти, канализация ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳам тадбиркорлик субъектлари томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Мазкур ҳужжатда тадбиркорлик субъектлари учун қулайлик яратиш ва уларнинг ишини осонлаштириш мақсадида замонавий технологиялар асосида масофадан туриб хизмат кўрсатиш, хусусан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни "Интернет-банкинг" тизими орқали тўлашни кенг жорий қилиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётимизни юксалтиришдаги беқиёс аҳамиятини ҳисобга олиб, республика прокуратураси органлари мазкур соҳага оид қонун ҳужжатлари ижросига ва қонунларимиз тарғиботига алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳам тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида мунтазам равишда шаҳар ва туманларда мазкур соҳа вакиллари билан жонли мулоқотлар ташкил этилиб, аниқланган камчиликлар ва муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш чоралари кўрилаяпти. Прокуратура органларида ишлаб турган "Ишонч телефонлари" тадбиркорларимиз учун қулай ва ишончли мурожаат воситасига айланди.

Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси юзасидан вилоят прокуратураси томонидан 2012 йилда қатор назорат тадбирлари амалга оширилди. Назорат тадбирларида аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилмоқда. Масалан, Қарши шаҳридаги "Болалар дунёси" хусусий корхонаси раҳбари Х.Ўриновнинг "Осиё цемент сервис" МЧЖ 60 млн. сўм маблағни қайтармаётганлиги тўғрисидаги мурожаати ўрганилди. Мазкур МЧЖ мансабдор шахслари шартнома бўйича хусусий корхонага қурилиш моллари етказиб бермаган бўлса-да, товар етказиб берилганлиги ҳақида сохта юк хатини расмийлаштириб, ўзганинг 60 млн. сўм мулкини қўлга киритганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат бўйича Қарши шаҳар прокуратураси томонидан "Осиё цемент сервис" МЧЖ мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, суд натижасига кўра жазо муқаррарлиги таъминланди. Бундан ташқари, Қарши тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Қодиров тумандаги "Керайт" ҚФЙда яшовчи Ф.Идиевнинг маҳалла аҳолиси учун "Пайнет" воситачилик хизматини ташкил этиш мақсадида замонавий типдаги бино қуриш, шунингдек, "Худойберди бобо" хусусий корхонаси раҳбари И.Раҳимовнинг йўл ёқасидан савдо маркази, "Азизбек-Довурбек" фермер хўжалиги раиси Р.Рўзиқулов ва фуқаролар Р.Бобомуродов, И.Шодмонов, О.Бозорова, У.Мирахуров, Р.Рахматуллаев, М.Нуриддинов ва М.Раҳматовларнинг тадбиркорлик фаолиятини юритиш объектлари қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқишда қонунбузилишига йўл қўйганлиги аниқланди. Ушбу ҳолатларга кўра, туман прокуратураси томонидан Ш.Қодировга нисбатан айблов эълон қилиниб, жиноят иши судга юборилган ва суд ҳукмига кўра жазо муқаррарлиги таъминланган.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини хўжалик суди орқали ҳимоялашга ҳам эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Муборак туманидаги "Шаҳриддин ўғли Шахзод" масъулияти чекланган жамияти билан "Усто Туроб" фермер хўжалиги ўртасида 2012 йил апрель ойида тузилган оғзаки келишувга кўра, "Шаҳриддин ўғли Шахзод" МЧЖ томонидан "МТЗ-80" русумли ҳайдов трактори билан фермер хўжалигининг 35 гектар ер майдони текислаб берилган ва кўрсатилган механизация хизмати 1 млн. 100 минг сўмни ташкил этган. Бироқ "Усто Туроб" фермер хўжалиги оғзаки келишувда белгиланган хизмат ҳақини ихтиёрий равишда тўламаган. Шу сабабли, мазкур фермер хўжалиги ҳисобидан "Шаҳриддин ўғли Шахзод" масъулияти чекланган жамияти фойдасига 1 млн. 100 минг сўм қарздорликни ундириш бўйича вилоят прокуратураси томонидан вилоят хўжалик судига ариза киритилди.

Маълумки, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларида ноқонуний текшириш ўтказилишига йўл қўймаслик учун қатъий чоралар кўрилмоқда. Ана шундай бир жараёнда бунинг аҳамиятини англаб етмаётган баъзи назорат ва бошқа органлар ходимлари ҳам учраб турибди. Вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси мутахассиси Х.Эшбоев ва Қамаши тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси Т.Юлдошев назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш рухсатини олмаган бўлсалар-да, тумандаги "Транссервис" МЧЖда ноқонуний текшириш ўтказишган ва лицензия муддати тугаганлиги ҳамда бошқа ҳолатларни кўрсатиб, маълумотнома тузганлар. Шу боис, туман прокуратураси томонидан Х.Эшбоев ва Т.Юлдошевларга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, уларга нисбатан қонуний чора қўлланилган.

Жамиятимиз ривожини, ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизни қонун устуворлигисиз тасаввур этиб бўлмайди. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожи ҳам қонунларга қатъий амал қилинишига боғлиқ. Буни ҳамиша ёдда тутмоғимиз даркор.

# Қонун устуворлиги йўлида

**Улуғбек УМАРОВ,**
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Самарқанд вилоят бошқармаси бошлиғи

***Юртимиз тараққиёт сари ҳар бир жабҳада жадал одимлаб бормоқда. Бу борада иқтисодиёт ривожида муҳим ўрин тутаётган тадбиркорлар учун ҳам кенг имкониятлар яратилди. Бунга жавобан, ишбилармон ва уддабурон ҳамюртларимиз астойдил меҳнат қилиб, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Бу шубҳасиз, ушбу соҳага кўрсатилаётган алоҳида эътибор, шунингдек, бу борада мустаҳкам қонунчилик тизими яратилганлиги туфайли, десак муболаға бўлмайди.***

Департаментнинг Самарқанд вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан 2012 йил мобайнида давлатга етказилган иқтисодий зарарларни аниқлаш ва ундириш, яширин иқтисодиётни фош этиш, накд пул маблағларининг банкдан ташқари ноқонуний айланишига чек қўйиш ва валюта муомаласи соҳасида содир этилган қонунбузилишларга барҳам бериш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Ходимларимиз томонидан йил мобайнида ўтказилган 377 та тадбирлар давомида аниқланган иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 301 та жиноят иши, 76 та маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар юритилди.

Бошқарма томонидан тезкор-таҳлилий фаолиятга алоҳида эътибор берилганлиги натижасида давлат бюджетига 23 млрд. 283,2 млн. сўм қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ҳисобланиб, 6 млрд. 122,7 млн. сўм миқдоридаги маблағ ундирилди. Солиқ тўловларини тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ 41 та жиноят иши қўзғатилди. Шунингдек, ўзлаштириш ва растрата йўли билан бюджет ҳамда бошқаларнинг манфаатларига етказилган 1 млрд. 490,3 млн. сўмлик аниқланган зарарлардан 1 млрд. 115 млн. сўмининг ундирилиши таъминланди. Ўтказилган тадбирлар натижасида қонунбузарлардан ноқонуний муомалага киритилган жами 497 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди.

Валюта соҳасидаги қонунбузилишларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида 59 та ҳолат аниқланиб, 24 та жиноят иши ва 35 та маъмурий иш қўзғатилди. Айбдорлардан ноқонуний муомалага киритилган 63 минг 218 АҚШ доллари, 2430 евро, 255 минг 670 Россия рубли, 129,2 млн. сўм ва 20 минг 800 қозоқ тенгеси ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Давлат рўйхатидан ўтмасдан ноқонуний равишда маҳсулот ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган 65 та яширин цех фаолияти фош этилди. Шундан 53 та жиноят иши ҳамда 12 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатилиб, ҳуқуқбузарлардан 134 418,9 минг сўмлик маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олинди. Хусусан, пахта чигитидан мой ажратиб олишни йўлга қўйиб олганлардан бири Пайариқ туманининг "Чўрош" маҳалласида яшовчи Алишер Ҳакимов экан. Бу ишга астойдил қизиқиб қолган А.Ҳакимов оғилхонага мойжувоз ўрнатиб, электр тармоғига ноқонуний уланади-да, ишни бошлаб юборади. Дастлаб ўзи хоҳлагандек, ишлар яхши кетади. Қозони мой, чўнтаги пул кўради. Шундай кунларнинг бирида унинг эшигини туман электр тармоқлари корхонаси ходимлари тақиллатишди. Электр тармоғига ноқонуний уланганлигини айтиб, 565 минг 731 сўм жаримага тортишади. Аммо у бундан тўғри хулоса чиқармай, мойжувозни бемалол ишлатаверди.

Орадан кўп ўтмай, уйига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари кириб келишди. Бу сафар Алишер ҳеч нарса деёлмай, меҳмонларни оғилхона томон бошлади. Департамент ходимлари гувоҳлар иштирокида мойжувоз мосламасидан ташқари двигател, 60 кг. кунжара, 250 кг. пахта ёғи, 8 метр кабел ҳамда бошқа жиҳозларни ашёвий далил тариқасида олишди.

Шунингдек, акциз маркасиз алкоголли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш билан боғлиқ 42 та қонунбузарлик ҳолати аниқланди ва 27,8 млн. сўмлик спиртли ичимликлар, 8,3 млн. сўмлик тамаки маҳсулотлари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Жумладан, Мухтор Суюнов Пастдарғом туманидаги "Жума деҳқон бозори"да фуқаро Улуғбек Маҳмаев билан танишиб қолади-да, ароқ керак бўлса, уйига боришни айтиб, манзилини беради. Улар бир неча кундан кейин учрашишади ва 20 шиша "Русское Добро", 25 шиша "Самарқанд" ҳамда 35 шиша "Золотая Снопа" ароғини 144 минг сўмга келишишади. Улуғбек пулни санаётган пайтда кириб келган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари савдога «халақит» бериб қолишди. Ҳеч қандай ҳужжатсиз, ноқонуний равишда ароқ тайёрлаб сотаётган уддабурон жиноят устида қўлга олиниб, барчасига бир хил рақамли қалбаки акциз маркалари ёпиштирилган, сифатсиз ароқ маҳсулотлари мусодара қилинди. Аниқланишича, у хонаки ароқни отасининг уйида тайёрлашни йўлга қўйган экан. Хонадон холислар иштирокида кўздан кечирилганда, 1,5 литрли 54 дона елим идишлар ҳамда 90 дона бўш шишалар топилиб, ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Айбдорга нисбатан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланди.

Бундан ташқари, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш натижасида яратилаётган янги иш ўринлари, тадбиркорлар фаолиятидаги сунъий тўсиқлар ва бошқа суиистеъмолчиликларга барҳам бериш борасида ҳам бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган даврда 177 та фуқарога амалий ёрдам кўрсатилиб, 246 та иш ўринлари яратилди.

Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ва жиноятнинг олдини олиш тарғиботга, хусусан, профилактикага боғлиқ. Буни яхши ҳис этган ходимларимиз оммавий ахборот воситаларида мунтазам чиқишлар қилиб, солиқ сиёсатидаги янгиликлар, қонунбузарликка нисбатан жазо муқаррарлигини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.



# Сув — ҳаёт манбаи

Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Huquq»

***Юнон фалсафасининг асосчиси Фалес бундан йигирма олти аср бурун дунёнинг асосида ётувчи унсурни излар экан, "Ҳамма нарса сувдан пайдо бўлади ва яна сувга қайтади", деган хулосага келган. Сувнинг табиатдаги аҳамиятини кўриб, донишманд шундай хулосага келган бўлса, ажаб эмас. Ҳа, барча мавжудотларнинг тириклиги сув билан. Шу сабабли ҳам астрономлар ўзга сайёраларда ҳаёт бор ёки йўқлигини билмоқчи бўлсалар, аввалambор, ўша жойда сув бор ёки йўқлигини аниқлашга киришадилар. Чунки, ҳаётнинг бўлиши учун, энг аввало, сув, кейин бошқа шароитлар талаб этилади. Ана шундан ҳам сув ҳар жой ва ҳамма даврда ҳаёт-мамот масаласи эканлигини билиш мумкин.***

Бундан кўринадики, ота-боболаримиз қадимдан сувни эъзозлашгани бежиз эмас экан. Уларнинг "Сувга туфлама, унинг бир томчисини ҳам исроф қилма", деган ўгитлари ҳамон қулоғимизда. Ҳамма замонларда ҳам сувга муносабат инсон маданияти ва маърифатининг мезони саналган. Лекин афсуски, сувга муносабат, уни тоза сақлаш лозимлиги, келажак авлодларнинг ҳам унда ҳаққи борлигини унутиб қўяяпмиз.

Ҳозирги кунда жаҳон халқларини ўйга толдирадиган ва ечим излашга мажбур қиладиган атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ муаммолар талайгина. Бундай муаммолардан бири ичимлик суви танқислигидир. Аслини олганда, буни муаммо даражасига кўтаришга арзийдиган сабаб йўқдек туюлади. Негаки, сайёрамиздаги мавжуд 35 миллион куб километр чучук сув захираси инсон эҳтиёжи учун зарур миқдордан анча кўп. Бироқ, бу ўринда муаммо унинг кўп ёки камлигида эмас, балки нотекис маромда тақсимланганидадир. Бугун аҳолининг 90 фоизи истиқомат қилувчи ҳудудларга 20 фоиз ичимлик суви заҳираси тўғри келади. Қолган 80 фоиз чучук сув сайёрамиз аҳолисининг 10 фоизига хизмат қилаяпти. Шунингдек, ичимлик учун фойдаланиш қулай бўлган чучук сув ҳозир фақат дарё ўзанлари-ю, ерости заҳираларидагина мавжуд. Ана шу сувлар мавжуд чучук сувнинг атиги 0,006 фоизини ташкил этади, холос.

Дарвоқе, дарё ва ерости сувларидан ичимлик сув сифатида фойдаланиш учун муайян иншоотлар тизими барпо этилиши лозим. Истеъмол тармоқлари учун сув дарёдан олинадиган бўлса, унга мос дарё иншооти, сув олиб келувчи канал ҳамда сув қабул қилиб, уни тозалаб, истеъмолга тайёрловчи иншоотлар тизими қурилиши тақозо этилади. Чунки, бир пайтлар оқаётган ариқдан ҳовучлаб сув ичган бўлсак, эндиликда водопровод қувурларидан келаётган сувни ҳам қайнатиб ичишга мажбур бўляпмиз.

Дарё сувлари чучук бўлсада, тўғридан-тўғри ичимлик талабларига жавоб бера олмайди. Ичимлик суви тайёрлаш учун дастлаб у тиндирилади, сиздиргичлар ёрдамида унинг таркибидаги барча механик аралашмалар ажратиб олинади, ундаги бактериялар зарарсизлантирилиб, кейин ичимлик тармоғига юборилади. Иккинчи муҳим омил ҳозирги кундаги урбанизация (шаҳарланиш) жараёнидир. Ўтган асрнинг 70-йилларида аҳолининг 70 фоизи қишлоқларда яшаган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич дунё аҳолисининг 50 фоизини ташкил қилади. Мутахассисларнинг фикрича, 2050 йилга бориб ривожланган мамлакатларнинг 90 фоиз аҳолиси шаҳарларда истиқомат қилади. Бу тахминни бугунги кундаги реал ҳолат ҳам тасдиқлаяпти. Ҳозирги кунда Буюк Британия, Исроил, Нидерландия, Испания каби давлатларнинг 90 фоиз аҳолиси шаҳарларда истиқомат қилади. Бу кўрсаткич АҚШ ва Канадада 82 фоиз, Швеция ва Германияда 80, Японияда эса 78 фоизга тўғри келади.

Табиий урбанизациянинг ичимлик суви танқислигига қандай дахли бор, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, қишлоқларда яшовчи аҳоли жон бошига бир кеча-кундузда ўртача 55 литр сув сарфланса, шаҳарда бу кўрсаткич 150 литрни ташкил этади. Баъзи бир йирик шаҳарлар, масалан, Москвада жон бошига 600 литр, Санкт-Петербургда 700 ва Нью-Йоркда жон бошига 800 литр сув сарфланади.

Учинчи асосий сабаб демография масаласидир. Маълумотларга қараганда, одамзод пайдо бўлганидан то 1000 йилга қадар ер юзида 3 миллион аҳоли яшаган, холос. 1600 йилга келиб, уларнинг сони 500 миллион, 1830 йилга келиб, 1 миллиард кишига етган. Орадан юз йил ўтиб, яъни 1930 йилда аҳоли сони 2 миллиард кишига етган бўлса, асримиз бошига келиб, ер юзи аҳолисининг сони 6 миллиард кишидан ошди. 1800 йилдан 2011 йилгача ер юзи аҳолиси етти баробар кўпайган. БМТ маълумотига кўра, 2050 йилга бориб аҳоли сони 9,3 миллиард кишига етиши тахмин қилинмоқда. Демак, бу даврга келиб инсониятга ҳозиргига нисбатан икки баробар кўпроқ сув зарур бўлади. Бу борадаги заҳира эса тобора камайиб бормоқда. 2025 йилга бориб, ҳар ўн кишидан 6 нафари ёки 5,5 миллиард киши тоза ичимлик суви танқис ҳудудда яшаши мумкин. Чунки, атмосфера ҳавосининг исиши туфайли Арктика ва Гренландия музликларининг 40 фоиздан ортиғи эриб кетди. Антарктидадаги музликлар ҳам эриб, океан сувларига қўшилмоқда. Деярли ҳар йили дунёнинг кўплаб мамлакатларида сув танқислиги содир бўлиб турибди. Атмосферада ҳаво ҳарорати кўтарилиши давом этаверса, XXI асрда океан сатҳи 1-5 метрга кўтарилиб, қуруқликнинг салмоқли қисмини сув босиши тахмин қилинаяпти. 2012 йилнинг 1 апрель ҳолатида республикамиз аҳолисининг умумий сони 29 миллион 637,9 минг кишини ташкил этди. Уларнинг 15 миллион 177,6 минг нафари (51,2 фоизи) шаҳарларда, қолганлари эса қишлоқларда истиқомат қилади.

Сув муаммоси бизнинг минтақамизда ҳам долзарбдир. Маълумки, Марказий Осиё давлатлари аҳолисининг сувга бўлган эҳтиёжи асосан трансчегаравий дарёлар Амударё ва Сирдарё ҳисобига қондирилади. Кузатишларга қараганда, 2020 йилга бориб, иқлим ўзгариши, глобал ҳароратнинг ошиши туфайли мазкур дарёларни сув билан таъминлаётган музликлар заҳирасининг 15-20 фоизга камайиши кутилмоқда.

Сайёрамиздаги йирик дарёлар, чунончи, АҚШдаги Миссисипи, Англиядаги Темза, Франциядаги Сена, Германиядаги Рейн, Россиядаги Волга ва бошқа дарёларнинг суви жуда ифлосланган. Оқибатда уларда яшовчи кўпгина балиқ турлари қирилиб кетди. Шунингдек, республикамиз ҳудудидаги Сирдарё, Зарафшон ва Чирчиқ дарёлари, улардан тарқалган ариқларнинг суви ҳам саноат корхоналари ва хонадонлардан чиққан чиқиндилар тўкилишидан ифлосланган.

Мутахассисларнинг фикрича, дунё бўйича ичимлик сувининг миқдори йилдан-йилга камайиб бораётганлигининг асосий сабабларидан бири чучук сув ҳавзаларининг ифлослантирилиши ва тоза ичимлик сувидан саноат ишлаб чиқаришида фойдаланилаётганлигидир.

Республикамиз, жумладан, Қашқадарё вилоятида ҳам йилдан-йилга, айниқса, ёз ойларида ичимлик сувининг камайиб бораётганлиги сезилмоқда. Ёғингарчилик кам бўлган йилларда эса бу яққол сезилмоқда. Сувсизлик муаммоси қишлоқ хўжалигига, қолаверса, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига катта зарар етказиб, шу заминда яшаётган кишиларни жиддий синовга дучор этиши мумкин. Республикамиз экинзорларига сув керак бўлган пайтда Сирдарё сувини Қирғизистон Республикасининг Тўқтағул сув омборига тўплаётганлиги сабабли суғориладиган майдонларимизга меъёрдаги сувнинг атиги ярми етказилаяпти, холос. Амударё суви оқимини чегаралаш эса Марказий Осиё ягона сув таъминоти тизимида муаммолар келтириб чиқараяпти. Амударёда сув сатҳининг паст бўлиши оқибатида Қарши ва Аму-Бухоро машина каналларига олинаётган сув миқдори керагидан анча кам. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, сув ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш мақсадида "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун ва бошқа қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Президентимиз Ислом Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг 2007 йил 16 августда Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган саммитида Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича асосий принцип ва ёндашувларни белгилаб берган эди. 2009 йилда Туркиянинг Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган V Бутунжаҳон сув форуми иштирокчиларининг маърузалари ҳамда анжуманнинг якуний ҳужжатларида об-ҳавонинг глобал исиши, иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг кўпайиши, ичимлик ва маиший (суғориш) сувга талабнинг ортиб бораётганлиги сабабли сув ресурсларидан оқилона ҳамда адолатли фойдаланиш муаммолари, шунингдек, Ўзбекистоннинг минтақамизни ривожлантириш борасидаги нуқтаи назари тўлиқ қўллаб-қувватланди.

БМТнинг 1992 йил 17 мартдаги "Халқаро кўллар ва трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ҳақида"ги, 1997 йил 21 майдаги "Халқаро трансчегаравий сув оқимлари ҳақида"ги, 1991 йил 25 февралдаги "Трансчегаравий атроф-муҳитга таъсири ҳақида"ги конвенциялари шулар жумласидандир.

Сув сарфлашда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш соҳаси халқ хўжалиги тармоқлари орасида биринчи ўринда туради. Мутахассисларнинг фикрича, дунё бўйича экинларни суғориш учун бир йилда 2000 куб километрдан зиёд сув сарфланади, бошқача айтганда, бу умумий сув истеъмолининг 70 фоизини ташкил этади. Суғориш учун ишлатилган сувнинг тахминан 1500 куб километри ишлатиб бўлингач, қайта дарёга ташланса, қолган 500 куб километри дарёга етиб бормай, бошқа кўринишдаги сув заҳираларига айланади. Шу боис, суғоришда сувдан оқилона фойдаланиш чораларини кўриш долзарб масала ҳисобланади. Яъни экинларни томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш усулларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

Сув ишлатиш ҳажми жиҳатидан саноат тармоғи деҳқончиликдан кейин иккинчи ўринда туради. Дунё миқёсида саноат ишлаб чиқариши, айниқса, иссиқлик электр станцияларидаги технологик жараёнлар эҳтиёжини таъминлаш мақсадида йилига 600 куб километрдан зиёд сув сарфланади. Саноат ишлаб чиқаришда ишлатилган сувнинг 96 фоиздан зиёди қайтадан сув манбаларига келиб қўшилади, 4 фоизи буғланиб кетади.

Технологияси тараққий этган мамлакатларда саноатда сув ишлатиладиган технология ёпиқ контурдан иборат бўлиб, фойдаланиб бўлинган сув тозаланиб, қайта ишлатилаверади. Бироқ афсуски, кўпгина мамлакатлар ёпиқ контур яратиш имкониятига эга эмас. Шу сабабли уларда сув ҳавзаларидан олинган сув ишлатилгандан сўнг яна ҳавзага қайтариб туширилмоқда. Оқибатда чучук сув манбалари тобора ифлосланиб боряпти.

Чучук сув заҳираларининг аҳоли эҳтиёжи талабига нисбатан камайиб бораётганлиги оқибатида ер куррасининг кўпгина минтақаларида, жумладан, Африка, Жанубий Америка ҳудудларида инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун кескин муаммолар вужудга келмоқда. Аҳоли орасида касалликлар, айниқса, болалар ўлимининг кўпайиб кетаётганлиги чучук сув танқислиги, хусусан, унинг кескин ифлосланиб бораётганлиги натижасидир.

Чорвачилик мажмуаларининг сув манбалари атрофига жойлаштирилаётганлиги ҳам сувнинг ифлосланишига олиб келмоқда. Чорвачилик чиқиндилари, шунингдек, аҳолининг маиший эҳтиёжларига ишлатилиб, яхши тозаланмай сув манбаларига ташлаб юборилаётган сувлар ҳам сув манбаларининг ифлосланишига ва айниқса, чучук сув заҳираларининг камайиб кетишига, қолаверса, юқумли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Орол денгизи ҳавзасида рўй берган экологик фожиа ҳам сувдан оқилона фойдаланмаслик ҳамда унинг ифлосланишининг олдини олмаслик оқибатидандир. Дарҳақиқат, сувдан, айниқса, чучук сувдан оқилона фойдаланиш ва унинг ифлосланишига йўл қўймаслик — XXI асрнинг долзарб муаммосидир.

Аллоҳ таоло инсонга беҳисоб неъматлар берган, у ўзига берилган неъматларни дунё ва охират ҳаёти учун фойдали бўлган йўлда ишлатмоғи лозим. Қуръони Каримда шундай марҳамат қилинади: "...енглар ва ичинглар, (лекин) исроф қилманглар! Зеро, у исроф қилгувчиларни севмайди" (Аъроф. 31-оят). Қуръони Каримда табиатни асраш бу аввало, инсон ўзини асраши, уни муҳофаза қилиш — ўзининг муҳофазаси экани таъкидланади.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида суғорма деҳқончилик учун чучук сувдан кенг фойдаланилаётганлиги чучук сув заҳирасининг кескин камайиб кетишига олиб келмоқда. Шу билан бирга, кундалик ҳаётимизда миқдори тобора камайиб бораётган ичимлик сувидан фойдаланишда эътиборсизлик қиламиз. Тишимизни ёки юзимизни ювиш учун ҳам водопровод жўмрагини тўлиқ очиб қўямиз. Ваҳоланки, японлар тиш ювиш учун ярим стакан сув ишлатишар экан. Сувни тежаб ишлатиш, асраш, нафақат, экологик-иқтисодий, балки минтақамиздаги ҳаётни ҳам сақлаш аҳамиятига эга бўлган тадбирдир. Инсоннинг сувга бўлган физиологик эҳтиёжини фақат сув билан қондириш мумкин, табиатда сувнинг ўрнини босувчи бошқа бирор модда мавжуд эмас. Шу туфайли ҳам БМТнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш конвенцияси иштирокчиларининг қарорига мувофиқ, томчиси тиллага тенг бўлган сувни асраш, уни ифлослантирмаслик, келажак авлодларга соф ҳолида етказишга чақириш мақсадида 1992 йилда 22 март — Халқаро оби-ҳаёт куни, деб эълон қилинди.

*"Huquq" газетасининг жорий йил 31 январь сонида таниқли журналист Норбўта Ғозиевнинг "Кенгашли тўй тарқамайди, балки татийди" сарлавҳали мулоҳазали мақоласи чоп этилди. Бугунги кунда кўпчиликни ташвишлантириб турган бундай муҳим масаланинг муштарийлар ҳукмига ҳавола этилиши диққатга сазовордир.*

# Тўй — дабдаба эмас

Ҳаммамизга маълумки, халқимиз топганини тўйга сарфлашни, тўйлари кўнгилдагидек ўтишини истайди. Бироқ тўй қиламан деб, дабдабага берилиб, оқибатда исрофгарчиликка йўл қўйилаётгани кишини ўйлантиради. Сир эмаски, йилдан-йилга халқимизнинг турмуш даражаси яхшиланиб бормоқда. Аммо шу билан бир қаторда, айнан тўй билан боғлиқ турли одатлар юзага келяптики, бу мушоҳада қилишни талаб этади. Алоҳида эътиборга молик жиҳатлардан бири никоҳ тўйларидир. Никоҳ маросимларида автомобиллардан катта карвон тузиб, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш, видеочи укаларимиз ҳаётини хавф остига қўйган ҳолда, гавдасини ярмигача автомашина ойнасидан чиқариб тасвирга олишлари унчалик ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Биламизки, айнан шундай ҳолларда кўплаб оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлган.

Ёшларимиз, яъни келин-куёвларимиз ота-онасининг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олмасдан, ортиқча дабдабага ружу қўйиши оқибатида кўпгина оилалар тўйдан кейин мушкул аҳволга тушиб қолмоқдалар. Кўп йиллардан буён тўйларимизни ихчамлаштириш ҳақида маҳалла йиғинларида, матбуот саҳифалари ва телевидение экранларида жонкуяр инсонларнинг шу мавзу юзасидан чиқишлари бўлаяпти. Бироқ шунга қарамай, кимўзарга тўй қилиш тобора урфга айланиб бормоқда. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг 1998 йил 28 октябрда тўй-ҳашамлар, оилавий тадбирлар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солишга қаратилган Фармони эълон қилинган эди. Ана шу фармон мазмун-моҳиятини кўпчилигимиз чуқур англаб етмаган кўринамиз.

Яқин ўртоғим никоҳ тўйига таклиф этди. Тўйхона торроққина бўлиб, залнинг ўртасида санъаткорлар жойлашган. Овоз кучайтиргичлардан четроққа ўтирамиз, деб жой қидирдик, имкони бўлмагач, радиокарнайлар қаршисига ўтиришга мажбур бўлдик.

Ҳамроҳларимиздан бири 3-4 метр нарида туриб куйлаётган ҳофизга "Укажон, овоз кучайтиргичларингни бироз пасайтиринглар", деб илтимос қилди. Ҳофиз бола "хўп", деди-ю, лекин баттароқ авжига чиқди. Ҳамроҳларимизнинг ярми кўп ўтмай тўйхонадан чиқиб кетди. Шу пайт электр токи узилиб қолди. Ҳамманинг қулоғини қоматга келтириб турган ҳофиз бола "Свет ёнса айтаман", деб жойига бориб ўтириб олди. Ҳар жой, ҳар жойдан "Худога шукур-эй, қулоқларимиз тинчийдиган бўлди", деган овозлар эшитилди. Ортиқча шовқиннинг инсон организмига зарари тўғрисида шифокорларимиз кўп марталаб чиқиш қилишаётган бўлсада, санъаткорлар ҳовуридан тушишмаяпти.

Мен анча йиллар илгари Тошкент шаҳрининг Самарқанддарвоза маҳалласида ўтказилган суннат тўйида иштирок этган эдим. Ўшанда тўй анча тартибли ўтганига гувоҳ бўлганман. Икки гуруҳ санъаткорлар навбати билан маромида ашула айтишиб, меҳмонлар дилини хушнуд этишганди.

Қарияларимиз "Топганларинг тўйга буюрсин", деб дуо қилишади. Бироқ бу истаганча исроф қил, дегани ҳам эмас. Хулоса қилиб айтганда, журналист Норбўта Ғозиев "Кенгашли тўй тарқамайди, балки татийди" номли мақоласида кенг муҳокама ва мунозарага арзийдиган мавзуга қўл урган.

**Эркин КЕНЖАЕВ,**
Халқ таълими аълочиси,
"Шуҳрат" медали соҳиби



# Камтарлик буюкликка етаклайди

**Гули ҲОЖИБОЕВА,**
«Huquq»

***Инсон умр бўйи ўзидаги феъл-атвори, одатлари ҳамда билимлари билан сайқалланади. Бу жараён эса ҳаётий тажриба билан ривожланиб, шаклланиб ҳамда такомиллашиб боради. Мазкур мақоламизда камтарлик ва оддийлик билан боғлиқ бўлган фазилат ва иллатлар ҳақида фикр юритамиз. Мулоҳазани бир воқеа билан бошламоқчимиз. Баъзилар фахр туйғусини ҳазм қила олмай, манмансираш иллатига дучор бўлишади. Ваҳоланки, халқимиз орасида "камтарга камол, манманга завол" деган нақл бежизга айтилмаган. Бу борада ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани келтириб ўтишни лозим топдим.***

Маҳалламизда яшайдиган Алижон ака дастлаб кичик лавозимларда ишлаб юрар, камтарлиги ва халқчиллиги билан маҳаллада ҳурмат қозонган эди. Кейинчалик у катта бир ташкилотга раҳбар бўлиб тайинланди-ю, мансаб деган номни ўзгача тушунди. Алижон ака қўл остида ишлаётган ходимларга очиқчасига ўзининг шахсий ишларини буюрар, ҳатто уларни уйидаги юмушларини бажаришга ҳам мажбур қилар эди. Унинг бу иллати тобора кучайиб, мансабини рўкач қилган ҳолда маҳалладошларига ҳам хизматини қилдирадиган бўлди. Бора-бора Алижон ака раҳбарликни суиистеъмол қилиб, ташкилотга қарашли кичик корхоналар раҳбарларига ҳам ўзининг шахсий манфаатлари йўлида топшириқлар берадиган бўлди. Натижада эса, у ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилганлиги учун қонун олдида жавоб бериб, ишдан бўшатилди ва маҳалла аҳли ҳамда ҳамкасблари орасида обрў-эътиборини йўқотиб, юзи шувут бўлиб қолди.

Воқеадан кўриниб турибдики, одамзодда манманлик устун келса камтарликни эсдан чиқаради. Инсонни жамиятда ўз ўрнини топишига хизмат қилувчи, унинг зийнати ҳисобланган буюк фазилатлардан бири бу камтарликдир. Имом Ал-Бухорийнинг "Ал-жомиъ ас-саҳиҳ ҳадислар" тўпламининг 4-том, 61-бобида ҳам "Кибр ҳақида" қуйидаги ҳадиси-шарифга кўзингиз тушади: Ҳориса ибн Ваҳб ал-Хузоъий ривоят қиладилар: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Аҳли жаннат кимлар эрканлигин айтайми?" — дедиларда, одамлардан жавоб кутмай: "Ҳар бир заиф ва бечор ҳол одамдир, у гар Оллоҳни ўртага қўйиб қасам ичғайдир, сўзсиз устидан чиқғайдир", — дедилар, сўнг: "Аҳли дўзах кимлар эрканлигин (ҳам) айтайми? Ҳар бир қўпол қуруқ, гердайган, беқанот ва димоғдор одам — аҳли дўзахдир", — дедилар.

Шу жумладан, камтарлик инсон ички маънавий дунёсининг ташқи ифодаси ҳисобланади.

— Камтарлик энг аввало, ўз-ўзига талабчанлик, ўз ҳаракатларига, ишига, билимигга танқидий қараш, ўзингга, ўз куч-қувватингга ортиқча баҳо бермаслик демакдир, — дейди Юнусобод туман прокурорининг ёрдамчиси Зарифа Мавланова. — Инсонлар билан сидқидилдан муомала қиладиган одам ҳар доим ҳурмат ва обрў топади. Баъзилар ўзининг иш жойи, лавозими ҳамда мансаб ваколатидан фойдаланишини эшитамиз, гувоҳи бўламиз. Бу ачинарли ҳол, албатта. Мансаб ваколатидан фойдаланиш ҳамда уни суиистеъмол қилиш оқибатида коррупция ва бошқа турдаги жиноятлар ҳам келиб чиқиши эҳтимоли кучли. Шунингдек, яна бир жиҳатни ёдда тутиш лозим, яъни манмансираш натижасида одам ўз обрўсини тушириб, қариндош-уруғи ва яқинларидан ҳам узоқлашиши мумкин. Энг ачинарлиси, мансабдор шахс манмансираш оқибатида мансаб ваколатини суиистеъмол қилишдек қабиҳ жиноятга қўл уради. Жиноят кодексининг 6-боби, яъни "Бошқарув тартибига қарши жиноят"лар туркумидаги кўплаб моддалар замирида аксарият, манманлик, кибр ва шу каби муштарак иллатлар зоҳир бўлиб, уларга жавобгарлик масаласи ҳам тегишли моддаларда ўз аксини топган. Жумладан, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (ЖК 205-моддаси); ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (ЖК 206-моддаси); мансабга совуққонлик билан қараш (ЖК 207-моддаси); мансаб сохтакорлиги (ЖК 209-моддаси) каби жиноятлар учун тегишли жавобгарлик белгиланган.

Жиноят кодексининг 205-моддасида ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳақида атрофлича изоҳ берилган. Ана шу моддага тўхталиб ўтмоқчиман. Биринчидан, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш деганда, мансабдор шахснинг мансаб мавқеидан келиб чиққан ва бу шахс эгаллаган лавозими ваколатига берилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш билан боғлиқ, бироқ ўз мазмуни бўйича тегишли органнинг фаолият олиб боришидан кўзланган мақсад ва вазифаларга зид келувчи ҳаракатларини тушуниш лозим. Иккинчидан, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш шакллари (мансабдор шахсларнинг фаолияти соҳаси) турлича бўлиши мумкин. Бу бўйсунувчиларнинг меҳнатидан шахсий манфаатлар йўлида ғайриқонуний фойдаланиш (масалан, ишчиларнинг шахсий дала ҳовлилар қурилишида, уйларни таъмир қилишида); қўл остидаги ходимларнинг меҳнатини ўзлаштириб олиш; турар жой тақсимотида суиистеъмол қилиш; корхоналарни хусусийлаштириш жараёнида мансаб мавқеидан фойдаланиб, хусусий мулк сифатида сотиб олиш мақсадида ёки амалдор томонидан акцияларнинг анча қисмини эгаллаб олинишида мансабдор шахс ўзининг, унга яқин кишининг ёки бошқа хусусий шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб мансаб ваколатидан фойдаланиши; умумдавлат эҳтиёжларига мўлжалланган молия ва кредитни ғаразли ёки бошқа паст ниятда тижорат ташкилотларига ғайриқонуний бериб юбориш; бюджет маблағларини беҳуда сарфлаш, шу жумладан, бу маблағларнинг тижорат банкларида айлантирилиши, кредит, ссуда, қимматбаҳо қоғозларни, кўчмас ва бошқа мулкни олишда ҳуқуқий ҳужжатларни кўзда тутилмаган имтиёзлардан фойдаланиш ва бошқалар.

Камтарлик ҳақида гапирар эканмиз таъкидлаш керакки, бу фазилатга эга бўлган инсон шуҳратпараст, кибру ҳаволи, манман, мақтанчоқ, лаганбардор бўлмайди. Шунинг учун халқимиз дарахтнинг меваси қанчалик кўп бўлса, шохлари шунчалик эгилган бўлади, дейди. Бу хусусда Эркин Воҳидовнинг қуйидаги шеъри ҳам ибратлидир:

***Гарчи шунча мағрур***
***турса ҳам***
***Пиёлага эгилар чойнак.***
***Шундай экан манманлик***
***нечун,***
***Кибру ҳаво нимага***
***керак?***
***Ўтма ғурур остонасидан,***
***Пиёлани инсон***
***шунинг-чун***
***Ўпар доим пешонасидан.***

Қолаверса, тарбия кўрган, одобли кишини унинг камтарлигидан ҳам билиб олиш мумкин. Камтарлик энг аввало, ўзининг бутун ақл-идрокини, куч-қудратини умумхалқ ишига бахшида этадиган кишиларга хос фазилатдир. Дарҳақиқат, барча инсоний фазилатлар ичида энг қимматлиси камтарликдир. Бундай олижаноб фазилатни шарқ ва ғарб мутафаккирлари ҳам ўз ҳикматларида улуғлашганини кўришимиз мумкин. Жумладан, француз адибаси Аврора Дюдевон бу хусусда: "Оддийлик дунёдаги энг қийин фазилат, у тажрибакорликнинг сўнгги чегараси ва даҳолик аломатидир", дея бежиз таъриф бермаган. Зеро, камтар ва оддий бўлиш — буюк бўлиш демакдир.

Фикримни якунлаб, камтарлик ахлоқий баркамолликнинг бош шарти бўлиб, шу билан бирга, энг олижаноб фазилат эканлигини ҳам инкор этолмаслигимизни яна бир бор таъкидламоқчиман. Зеро, фазилатли бўлиш инсонни ҳар қандай иллат, қолаверса, жиноятлардан сақлашига ҳам ишончимиз комил.

*— Ойи, ишдамисиз? Ҳозир уйга келиб, кўча эшикни очмоқчи бўлдим, очилмади. Калит ҳам бураломади. Тақиллатган эдим, уйдан бир киши чиқди. Ўзини Ҳосила опанинг жияни, деб таништириб, сизни сўради. Ишда эканингизни айтган эдим, у ичкарига таклиф қилди. Мен кирмадим. У билан хайрлашиб, ташқарига чиқиб кетдим. Негадир у кишининг қўллари қалтираётган эди. Қачон келасиз?*

# Тажовуз

**Бобир РАҲИМОВ,**
Бош прокуратура бошқарма прокурори

— Ўзи мактабга бордингми? Яхши, уйга кирмай тўғри қилибсан. Пастдаги ўриндиқда мен ишдан қайтгунимча кутиб ўтиргин. Тезда бораман.

Қизидан бу гапларни эшитиб, хавотир олган онанинг қўли ишга бормай қолди. Ахир бировнинг уйида ижарада яшашса, ким келган бўлиши мумкин? Ўша одам ўзини Ҳосиланинг жияниман, деб таништирганмиш. Унда нега Ҳосила ёки унинг онаси бирга келмай, эркак кишини жўнатишади. Бу ерда фақат ўзи билан қизи яшашини яхши билишади-ку?!

У вақтни ўтказмай, уй эгаларига қўнғироқ қилди. Аксига, Ҳосилани ҳам, унинг онасини ҳам тополмади-ю, беканинг синглиси билан гаплашди. У ўша эркак жияни эканлиги, Ҳосилага гиламни кўтаришиб юборганлигини айтиб, телефонни ўчириб қўйди. Она ҳам бўш келмади, яна телефон қилиб, нима учун уйда ҳеч ким йўқлигида бегона одамни жўнатишгани ҳақида сўраган эди, у томондан уйга киришга уларнинг ҳаққи борлиги ҳақида жавоб олди.

Начора, она бояқиш шундан кейин кеч бўлишини, тезроқ уйга боришни кута бошлади. Бир маҳал қизи қўнғироқ қилди-да, қўшни бўлиб яшайдиган қизча билан ўтирганида ўша одам уйдан чиқиб, унинг ёнига келгани ва Ҳосила ярим соатларда келишини айтиб, ўзи аллақаёққа кетганини айтиб, энди уйга кирсам майлими, деб рухсат сўради. Бу гапдан анча хотиржам бўлган она унга рухсат берар экан, эшикни қулфлаб ўтиришни тайинлади.

Аммо кўп ўтмай яна телефон қилган қизининг гапларини эшитиб, ҳайрон бўлди. Унинг айтишича, телевизорнинг жойи ўзгариб қолганмиш. Бундан ташқари, ҳожатхона билан ювиниш хоналарининг чироғи ёқиқ бўлиб, залнинг поли нам экан. У ерга эса янги гилам келтирилиб қўйилибди. Бу янгиликдан онанинг боши қотди. Хуллас, иш вақти тугаши билан уйга ошиқди.

Йўлакда қўшни аёлни учратиб, бўлган воқеа ҳақида гапириб берган эди, у ҳам тушликдан сўнг уларнинг уйидан шовқин овози эшитилганини айтиб қолди. Бу гапни эшитган она уйга отилди. Ичкарига кирар экан, қизи айтганидек, ростдан ҳам телевизор доимий жойидан бошқа ерга олинганлиги, устига-устак бузилганлигини кўриб, ҳайрати янада ошди. Нима қилсин, яна бекага телефон қилишга мажбур бўлди. Гўшакни олган беканинг синглисига бу ҳақда айтган эди, у уларникига борган жиянини юборишини, ўша телевизорни тузатиб беришини айтиб, гапни қисқа қилди. Кўп ўтмай беканинг кичик синглиси қўнғироқ қилди-да, жиянларини ўзи юборганлигини айтган эди, она йигитнинг бир ўзи келгани, Ҳосила эса кўринмаганлигини билдирди.

Хуллас, она-бола ётиб ухлашди. Эртасига эрта билан қизини ўқишга жўнатган она, телевизорнинг бузилган ерларини тузатиб, аввал турган жойига олиб кириб қўйди. Соат 11:00ларда иш билан кўчага чиқди-да, кечки пайт қизи билан уйга қайтди. Улар ичкарига киришар экан, хонадан аллақандай қўланса ҳид келаётганини сезиб қолишди. Ойналарни очиб, кўчага чиқишди. Қўшнилар билан суҳбатлашиб ўтиришар экан, бегона аёл келиб, ўзини Ҳосиланинг холаси, деб таништирди-да, жияни ҳақида сўради. Шу пайт яна бир йигит пайдо бўлди. Ҳозиргина келган аёлнинг ўғли экан. Уни кўрган қизча айнан шу йигит уларникига бир кун олдин келгани ҳақида онасига хабар берган эди, она ундан нима учун чироқларни ўчирмай, телевизорни ҳам бузиб кетгани ҳақида сўраган эди, йигит жўяли жавоб беролмади. Кўп ўтмай улар қайтиб кетишди-да, она билан қизча уйга йўл олишди. Хоналардаги ҳид ҳали ҳам тарқамаган экан. Шундан кейингина қизи унга қон юқи пардалар билан балкондаги аёллар кийимини кўрсатди. Бундан шубҳаланган она, дарҳол уй эгаларига телефон қилиб, Ҳосилани сўраган эди, холаси жиянини бир кундан бери кўрмаганлигини маълум қилди. Она ҳам ўз навбатида, уйдан келаётган ҳид, қон юқи бўлган парда ҳамда аёллар кийимлари ҳақида сўзлаб берди. Кейин милицияга қўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирди.

Кўп ўтмай етиб келган милиция ходимлари хоналарни кўздан кечиришар экан, залдаги кўрпачалар тагидан оғзи ҳамда оёқ-қўллари чойшаб билан боғланган Ҳосиланинг жасадини топишди...

Дастлабки терговда Ҳосилага гиламни кўтаришиб келган Собир (исм-фамилиялар ўзгартирилган) айбига иқрор бўлмаса-да, кейинчалик бор гапни айтиб берди. Унинг берган кўрсатмасига кўра, ўша куни у холаваччаси Ҳосилага гиламни кўтаришиб келган. Ичкарига киришгач, қизга тегажоғлик қилади. Аммо Ҳосиланинг қаршилигига учраб, куч ишлатади ва уни уриб, қўлларини чойшаб билан боғлайди-да, номусига тажовуз қилади. Сўнгра телевизорнинг устидаги пичоқни олиб, кетма-кет зарба беради. Кейин жабрланувчининг қулоғидан зиракларини ечиб, чўнтагига тиқади-да, жасадни кўрпачаларнинг орасига яшириб, жуфтакни ростлайди...

Шундай қилиб, ёрдам бериш баҳонасида шайтоннинг қутқусига учраб, нафақат зинога, балки жиноятга ҳам қўл урган, охироқибатда холаваччасининг умрига зомин бўлиш баробарида ўзининг ҳам навқирон дамларини панжара ортида ўтказишга маҳкум қилган Собир Ҳакимовга қилмишига яраша жазо тайинланди.

# Босқинчилар қўлга олинди



**Хушнур МАҚСУДОВ,**
Жиззах вилоят прокуратураси бўлим прокурори

***Бир киши донишманд ҳузурига келиб: "Эй фозил киши, одам дунёда қандай яшаши, қандай йўл тутиши керак?" деб сўрабди. "Шод яша, доимо хурсандчилик пайида бўл, ҳар нарсага ғам чекаверма. Яхшилик уруғини экиб, омонлик ҳосилини олишга урин. Дунё шундайки, унда хатарли йўллар кўпдир. Баъзан бу йўллар устига баргу хашак ташлаб қўйилган чоҳга ўхшайди. Шунинг учун бу йўлдан юрган пайтда аввало, яхшилаб ўйлаш, тойиб кетмаслик чорасини кўриш керак".***

Дарҳақиқат, шундай. Аммо Ҳайитбой Зарипов, Ҳусниддин Адилов, Неъматулло Саттарқулов, Ёдгор Гаппаров ҳамда Элёр Норматовлар ўйларига келган номаъқул фикрни бир лаҳзада амалга оширишди-ю, ҳаётнинг аччиқ зарбасига дуч келишди.

Воқеанинг бундай тус олиши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Улар бостириб кирган хонадонда бирдан шовқин-сурон кўтарилди. Атрофни қий-чув, бақир-чақир, йиғи-сиғи овози тутди. Аммо босқинчилар хонадон эгаларининг дод-войига эътибор беришмас, аксинча, ўз ниятларига етишиш учун уларни янада кўпроқ қийнай бошлашди.

Инсон зоти борки, хато қилади. Аммо хатолар ҳам турлича бўлади. Кимдир билмай ёки кимнингдир ёлғонига учиб, хатога йўл қўйса, яна биров қилаётган ишининг оқибатини англаган ҳолда хато қилади.

Ҳ.Зарипов, Ҳ.Адилов, Н.Саттарқулов, Ё.Гаппаров ва Э.Норматовлар 2012 йил 20 январдан 21 январга ўтар кечаси олдиндан тузилган режага асосан юзларига ниқоб, қўлларига қўлқоп кийиб, темир бўлаги, сирка кислотаси ҳамда шприц билан қуролланиб, Ғаллаорол тумани «Лалмикор» қўрғонида яшовчи Р.Эшмуродовнинг уйига бостириб кирадилар.

Ҳ.Зариповнинг суддаги кўрсатмасидан:

— 2011 йилнинг ноябрь ойида "Лалмикор" қўрғонида яшовчи "Малла" исмли киши кўп миқдорда тилла топиб олганлиги, ишчиларига автомашина олиб берганлигини эшитиб қолгач, менда ундан тиллаларни олиб қўйиш фикри пайдо бўлди. Аммо бу ишни амалга ошириш учун менда шериклар йўқ эди. Шу боис 2011 йилнинг декабрь ойларида Ҳ.Адиловга бу ҳақда айтдим. У менга Жиззахда танишлари борлиги, улар билан жазони ижро этиш муассасасида бирга жазо ўтаганлиги, бу ишни амалга оширса бўлишини, фақат аввал уларни уйига чақириб, гаплашиб кўриши кераклигини айтди. Орадан икки-уч кун ўтгач, Ҳ.Адилов икки нафар танишини уйига олиб келди. Улар Н.Саттарқулов ва Ё.Гаппаров эди.

Йигитлар билан танишиб олгач, уларга "Малла" исмли кишининг уйидан уч кило тиллани олиш кераклигини айтдим. Кейин Н.Саттарқуловнинг "Нексия"сида Р.Эшмуродовнинг уйини кўриш учун бордик. Уйни кўздан кечириб, атрофда нималар борлигини, ичкарига қандай кириш мумкинлигини билиб, орқага қайтдик.

Январь ойи бошларида Ҳ.Адилов уйимга келиб, "Мен бугун йигитларни чақирганман. "Малла"никига ўтайлик", — деди.

Биз Н.Саттарқулов ва Ё.Гаппаровларни бир соат кутдик, аммо улар келишмади. Шундан сўнг Ҳ.Адилов уйига қайтиб кетди. 19 январь куни улар келишди. Мен уларга "оёғим тортмаётганлигини", бугун боролмаслигимни айтдим.

20 январь куни соат 18:00ларда уйимга дастлаб Ҳ.Адилов келди. Орадан ярим соат ўтгач, Ё.Гаппаров, Н.Саттарқулов ва Э.Норматовлар ҳам ҳозир бўлишди. Биз Н.Саттарқуловнинг автомашинасида йўлга тушдик. Йўлдаги "аптека"дан шприц сотиб олдик. "Маржонбулоқ" чойхонаси олдида тўхтаб, юз граммдан ароқ ичдик. Шундан сўнг "Лалмикор" қўрғонига бордик.

Манзилга етиб келганимизда Р.Эшмуродовнинг дарвозаси ёнида "Матиз" ва "Нексия" автомашиналари турар эди. Ё.Гаппаров елим идишда уксус, Ҳ.Адилов ва Э.Норматовлар эса икки дона, тахминан 40 см.лик труба, мен эса шприц олгандим. Ўнг томондан айланиб, ҳовлининг тўридаги дарча томон бордик. Бетон плиталар устига чиқиб, Р.Эшмуродовнинг ҳовлисини кузатдик.

Орадан икки соатча вақт ўтди. Р.Эшмуродовнинг уйига келган меҳмонлар кетавермагач, исиниш учун Н.Саттарқуловга телефон қилиб, уни чақирдик. У келгандан кейин автомашинага ўтириб, айланиб келдик. Қайтиб келсак, Р.Эшмуродовнинг дарвозаси ёнида турган "Матиз" русумли автомашина йўқ. Билдикки, меҳмонлар кетган. Шундан сўнг Э.Норматов деразадан ичкарини кузатди. Икки киши ҳангома қилиб ўтирган экан. Биз яна бетон плиталар турган жойга бориб, тахминан бир соатлар кутдик.

Чироқлар ўчиб қолган, ичкари уйни фонарнинг ёруғи ғира-шира ёритиб турар эди. Биз ҳовлига кирдик. Аввал Ҳ.Адилов, кейин Ё.Гаппаров хонага кирди. Э.Норматов айвонда қолди.

Ҳ.Адилов диван томонда ўтирган болани, Ё.Гаппаров эса сервант томондаги кишини ётқизиб, тиззалари билан босиб туришди. Шунда Ё.Гаппаров босиб турган киши бақирди. Ё.Гаппаров унга "Тихо, не ари", дея қўлини орқага қилиб, икки оёғини жипслаштириб, скотч билан боғлади. Ҳ.Адилов ҳам оёғи тагидаги кишининг оёқ-қўлини скотч билан боғлади. Р.Эшмуродовнинг овозини эшитиб, қўшни хонадан хотини чиқиб келди. Ҳ.Адилов унинг хотинига "бақирсанг, таёқ ейсан", дея диванга ўтқизиб қўйди. Кейин Р.Эшмуродовдан "тиллалар қани?" деб сўради. Р.Эшмуродов тилла йўқлигини айтди. Аммо, бироздан сўнг хотинига қараб, тиллаларни олиб чиқишни буюрди. Аёл эрининг айтганини қилиб, Ҳ.Адилов билан қора рангли қутичада тиллаларни олиб чиқди. Шундан сўнг Ҳ.Адилов хотинга қараб, "Опа, эрингизга айтинг, тиллаларни берсин, бермаса ўлдирамиз", деб унинг оёқ-қўлларини скотч билан боғлади. Кейин Э.Норматов ташқаридан елим идишдаги уксусни олиб келиб, менга берди. Мен шприцга уксусни тортиб, уни Ҳ.Адиловга бердим. У шприцни Р.Эшмуродовнинг бурнига олиб бориб, ҳидлатди ва "Агар тилланинг жойини айтмасанг, шу билан сенга укол қиламан. Яшашни хоҳлайсанми?", деди. Р.Эшмуродов "Қасам ичиб айтаман, менда бошқа тилла қолмади", деди.

Шу пайт Ё.Гаппаров ташқаридан кимдир келаётганини айтди. Келган одам улар турган хонанинг деразасини тақиллатди. Шунда Р.Эшмуродов овозининг борича бақирди. Биз энди бу ерда қолиб бўлмаслигини тушуниб, қочдик. Автомашинага ўтириб, Молтоб қишлоғи орқали Жиззах шаҳри томон кетдик. Йўлда Н.Саттарқуловга "Энди четроққа ўтиб, машинани тўхтат, нарсаларни тез-тез бўлишиб олайлик", дедим.

Сангзор дарёсидаги кўприкдан ўтгандан сўнг биз тиллаларни ўзаро бўлишиб олдик. Яна бир қанча тилла буюмлар ўртада бўлинмай қолди. Ҳ.Адилов "Бу нарсалар ўртаники, эртагами, бирон кун вақт топиб буларни сотиб, еб-ичиб маишат қиламиз", деди. Тиллалар Ё.Гаппаровда қолди.

Қайтишда қора қутичани дарёга ташлаб юбордик. Мен билан Ҳ.Адилов йўлда тушиб қолдик. Қолганлар Жиззахга кетишди. Бир жуфт сирға ва бир дона узукни тергов даврида қайтариб бердим. Қолганини Тошкентдаги "Олой" бозорига олиб бориб сотганман"...

Ҳ.Зарипов, Ҳ.Адилов, Н.Саттарқулов, Ё.Гаппаров ҳамда Э.Норматовларнинг қилмишлари тезда фош этилиб, уларнинг айби гувоҳларнинг кўрсатмалари, келтирилган далиллар билан ўз исботини топди. Шунга кўра, уларнинг ҳар бирига турли муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

# Огоҳлик – давр талаби

***Тонг отган пайт кўчага чиққан маҳалла фуқаролар йиғини раиси уйидан нарироқда турган "Нексия" автомашинасига аввалига аҳамият бермади. Кимнингдир уйига меҳмон келган бўлса керак, деб ўйлади-да, қайтиб, ичкарига кириб кетди. Соат 10:00ларда қайтиб чиқса, машина ҳали ҳам турибди. Ҳайрон бўлди, бироз шабҳаланди ҳам: ахир бугун сешанба, иш куни бўлса, меҳмон шунча ўтирармикан? Устига-устак уларга қўшни яшайдиган жиянини кўриб қолди-да, ундан машина ҳақида сўради. Жияни билмаслигини айтган эди, қўни-қўшнилардан сўраб-суриштиришини тайинлаб, ўзи ишга кетди.***

**Анвар АЛИЯРОВ,**
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари

Кечки пайт соат 20:00ларда ишдан қайтиб келиб қараса, машина ҳали ҳам турибди. Дарҳол жиянини чақирди. Жияни қўни-қўшнилардан сўрагани, машина ҳақида ҳеч ким билмаслигини айтган эди, шубҳаси янада ортди. Айни шу пайт уларнинг ёнидан ёшгина бегона йигит машинага қарай-қарай ўтиб кетди-ю, раис вақтни ўтказмай уйга кириб, профилактика инспекторига қўнғироқ қилди.

У бироздан кейин кўчага чиққанида, машина олдида жияни турар, боя ўтиб кетган йигит эса, юкхонани очиб, нимадир қиларди. Раис уларнинг ёнига бориб, нима гаплигини сўраган эди, бегона йигит кеча шу ерга келганида машинаси бузилиб қолгани, шунинг учун давлат рақамларини ечиб, юкхонага солганини айтиб берди. Сўнгра уларга аҳамият бермай, юкхонадаги симларни бир-бирига улаш ҳаракатига тушди.

Айни шу пайт уларнинг ёнига ички ишлар ходимлари келишди-да, уни ўзлари билан олиб кетишди.

Суриштирув ишлари олиб борилгач, машина бировга тегишли эканлиги, йигитча уни босқинчилик йўли билан эгаллаб олганлиги маълум бўлди. Шунингдек, тезда касалхонада ётган ҳайдовчининг шахси аниқланди. Шифокорларнинг вақтида қилган саъй-ҳаракатлари туфайли унинг ҳаёти сақлаб қолинган экан.

Судда жабрланувчи шундай кўрсатма берган: кечки пайт Паркент кўчаси бўйлаб ҳаракатланаётганда бир йигит тўхтатиб, аввалига "Қўйлиқ" деҳқон бозорига олиб бориб қўйишни сўрайди. У ерга боришгач, йўловчи пули камроқлигини билдириб, "Авиасозлар" бозорига ҳайдашни сўраб, ўша ердаги танишидан пул олиб беришни ваъда қилади. Манзилга келишгандан кейин йўловчи қаергадир кириб чиқади-да, танишини топа олмаганини айтиб, энди "Уч қаҳрамон" кийим-кечак бозорига ҳайдашни илтимос қилади. Айтилган ерга етиб келишганда йўловчи гаров сифатида унга қўл телефонини қолдириб, ўзи бозорга кириб кетади. Бу пайтда соат тунги 22:00ларга яқинлашиб қолган эди.

Бир муддат сўнг пайдо бўлган йўловчи йигит машинага ўтириб, нарироқда жойлашган кафе томон яна озроқ юришни сўрайди. Машина тўхтагандан кейин йўлкира қанча бўлганини сўрайди. Ҳайдовчидан 40 минг сўм эканлигини эшитгач, тўсатдан жаҳл қилиб, уни ҳақоратлай бошлайди. Табиийки, унинг бу қилиғи ҳайдовчига ёқмайди ва "ҳам хизмат қилиб, ҳам тухматга учраш"га тоби йўқлигини айтиб, танбеҳ берган бўлади. Аммо гапини охирига етказмай, йўловчи бир-икки зарба туширади.

Хуллас, иккови салон ичида муштлашиб кетишади. Бир-бирини уриб, тепиб, орқа ўриндиққа ўтиб кетишади. Бир маҳал йўловчининг қўлида пичоқ тиғи ялтиллайди-ю, ҳайдовчи аввал кўкраги, кейин қорин қисмида оғриқни ҳис қилади-да, жонҳолатда ўриндиқлар ўртасида ётган ғилдирак алмаштиришга мўлжалланган калит(балонний ключ)ни олиб, босқинчининг юзига туширади. Зарба кучли бўлган шекилли, йўловчи шу заҳоти уни қўйиб юбориб, ўзи ҳайдовчининг ўрнига ўтириб олади ва машинани ҳайдамоқчи бўлади. Бундан фойдаланган ҳайдовчи орқа эшикни очиб, ўзини ташқарига отади ва ёрдам сўраб бақирганча, кафе томон югуради. Бахтига у ердагилар ёрдам беришга ошиқишади. Бири сув берса, иккинчиси дарҳол унинг уйига қўнғироқ қилиб, воқеадан хабардор қилади ҳамда манзилни тушунтиради. Учинчиси бўлса, йўловчи машина тўхтатиб, касалхонага олиб бориш тараддудига тушади. Аксига олиб, бирорта ҳам машина бунга кўнмайди. Кўп ўтмай ҳайдовчининг уйидагилар етиб келиб, уни касалхонага олиб кетишади.

"Огоҳлик — давр талаби" эканлиги, бу шиорга амал қилиш ўз натижасини бермай қолмайди. Агар юқорида баён этилганидек, маҳалла фуқаролар йиғини раиси бегона машина билан қизиқмай, тегишли органларга ҳам хабар қилмай, айримлар каби "менга нима" қабилида иш тутганида, ким билсин, воқеа нима билан якун топарди. Бир одамни пичоқлаб, машинасини олиб қочишга журъат этган кимсанинг яна бошқа бир жиноятга қўл урмаслигига ким кафолат бера олади? Масалан, машинани бошқара туриб, бирорта одамни уриб кетиши ҳам мумкин эди-ку! Айтмоқчи, у бировнинг жонига қасд қилиб, машинасини ўзлаштиргандан ташқари, салонда бўлган ҳужжатларни ҳам ўзлаштириб олган экан.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, пировард мақсадимиз қонун устуворлигига эришиш экан, жиноятга яраша жазо ҳам муқаррар. Туридан қатъий назар ҳар қандай жиноятга қўл урган кимса охир-оқибат қилмишига яраша жазо олади. 1992 йилда Наманган шаҳрида туғилган Бобир Саъдуллаевга тегишли жиноят иши суд томонидан кўриб чиқилди ва у ЖКнинг бир неча моддаси билан айбдор деб топилиб, унга тегишли жазо тайинланди.

# Жаҳл келганда...



***Ҳаммаси кутилмаганда юз берди. Уйга кириб, қайнонаси ўртага дастурхонни ёзганча болаларининг кийимларини тахлаётганини кўрди-ю, қотиб қолди. "Ҳой, нима қилаяпсизлар?" дегунча бўлмай, қайнонаси эрига тез машина топиб келишни буюрди. Бу гапни эшитгач, "Нима учун, нимага аралашасизлар?" дея ғўлдираганча, ташқарига чиқди. Ҳаммаси худди тушида юз бераётгандек, бироз нима қиларини билмай калоланиб турди-да, тўсатдан ичкари хонага отилди. Яшириб қўйган жойидан милтиқни олиб, тезда ўқлади. "Ҳозир, ҳозир мендан кўрасизлар! Ҳа-ҳа, уйимга келиб, хўжайинлик қилишни сизларга кўрсатиб қўяман!".***

**Комил МАҲАМАДИЕВ,**
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Кўп кутишга тўғри келмади. Бир маҳал қараса, қайнотаси тугунларни кўтарганча кўчага чиқиб кетаяпти. Орқасидан югурди. Кўчага чиққач, нарироқда турган машина томон кетаётган қайнотасини мўлжаллаб, тепкини босди. "Варанг"лаган овоз эшитилди-ю, қайнота ерга йиқилди. У нима қилиб қўйганини тушуниб улгурмасидан, ичкаридан қайнонаси, унинг кетидан хотини билан қизи югуриб чиқишди. Нигоҳи қайнонасининг саросимага тўла кўзларига тушар экан, яна ғазаби қайнади. Милтиқни чангаллаганча, у томон югурди. Аёл дод солганча, ичкарига чопа кетди. Аммо оёғи чалишиб, йиқилиб тушди. Ортидан етиб келган куёв узоқ ўйлаб ўтирмай, милтиқни унга тўғрилади-да, ўқ узди. Аёл боягиш шу заҳотиёқ жон берди. Куёв қуролни шу ернинг ўзида ўқлаб, яна кўчага югурди. Ташқарига чиққанида, ҳайдовчи қайнотасини суяганча, машина томон олиб кетаётган экан. "Ҳой, унга тегинманглар, отаман", деб бақирган эди, ҳайдовчи машинасига чиқиб, ҳайдаб кетди. У қайнотасининг тепасига келиб қараса, ҳали ҳам тирик экан. Яна ўқ узди. Бу ҳам кам дегандек, милтиқ қўндоғи билан бошига кетма-кет туширди. Иккинчи зарбадан кейин, қўндоқ синиб кетди. Милтиқни ерга ташлаб, деворга суянди. Бу пайтда қўшниникида бўлаётган тўйга келган меҳмонлар ташқарига чиққан, атроф тумонат одам эди. Кўп ўтмай ҳайдовчи томонидан хабар етказилган ички ишлар ходимлари етиб келишди...

Ҳаким (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бегонага эмас, аммасининг неварасига уйланган эди. Тўрт нафар фарзандлик бўлишди. Турмушлари кўпчилик қатори ўтарди. Бир неча бор Россияга бориб, ишлаб ҳам келди. Орада хотини касалликка чалиниб қолди-ю, оиладаги хотиржамлик йўқолди. Касалхонама-касалхона қатнашлар бошланди.

Шундай кунларнинг бирида қайнона-қайнотаси маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан кириб келишди. Бироз суҳбатлашиб ўтиришгач, хотинини қизлик уйига олиб кетиб, даволаш ҳақида гап қўзғалди. Бу фикр ҳаммаларига маъқул келди-да, раис Ҳакимни четга тортиб, бу ишни кечиктирмаслик, хотинига уйга кетишга рухсат беришни маслаҳат қилиб, чиқиб кетди. У раисни кузатиб, уйга кирар экан, ҳе йўқ, бе йўқ, қайнонаси "Ҳаммасига сен айбдорсан! Гулдек қизимни хароб қилдинг. Энди уни ўзим олиб кетиб, даволатаман", — дея дағдаға қила бошлади. Ҳаким аввалига кўнмади. Яқинда ўқишлар бошланиши, болалари дарсдан қолиб кетишини тушунтиришга ҳаракат қилди. Аммо қайнона ҳам бўш келай демасди.

Ҳаким унинг дийдиёларига қулоқ тутмай ҳовлига чиқиб кетди-да, кўп ўтмай қайтиб кириб, ёзиб қўйилган дастурхонга невараларининг кийимларини тахлаётган қайнонасига кўзи тушди...

Хуллас, бўлар иш бўлди. Энг ачинарлиси, Ҳакимнинг жаҳлини жиловлай олмагани оқибатида бир оила зумда ота-онасидан айрилди. Ўзи эса суднинг ҳукми билан 22 йилга озодликдан мосуво бўлди. "Жаҳл келганда, ақл кетар", деганлари шу бўлса керак-да!

Қутлов

***Меҳнатсевар ва жонкуяр инсон, прокуратура фахрийси Абдунаби Қўзимуродов қутлуғ 60 ёшни қарши олмоқда.***

# Тажрибали ҳуқуқшунос



У Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимида 32 йилдан ортиқ фаолият кўрсатиб, Сурхондарё вилоятида эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек масъулиятли ҳамда шарафли вазифага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Энг муҳими, у қаерда ва қандай лавозимда ишлашидан қатъи назар ҳамиша билимдон ва тажрибали ҳуқуқшунос, самимий инсон сифатида жамоатчилик орасида эътибор қозонди.

Абдунаби Қултўраевич меҳнат фаолияти давомида Денов туман прокурорининг ёрдамчиси, Сурхондарё вилоят прокурорининг ёрдамчиси ва катта ёрдамчиси, бўлим бошлиғи, Шўрчи, Термиз, Музработ, Ангор туманлари ҳамда Денов шаҳар прокурори, вилоят прокурорининг ўринбосари, вилоят прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Иш фаолияти даврида жамоа ходимларига нисбатан талабчан, ҳамфикр, ўз соҳасида ҳам, жамоат ишларида ҳам соғлом рақобатнинг яратувчиси бўлди.

Унинг кўп йиллик меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Абдунаби Қултўраевич, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик, файзу барака тилаймиз!

**Ўзбекистон Республикаси**
**Бош прокуратураси жамоаси ва**
**Фахрийларни ижтимоий қўллаб-**
**қувватлаш жамоатчилик Маркази**

Эълон

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига асосан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилоят филиали савдоларига чиқарилиб, 2013 йил 4 мартда ўтказилган аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи.**

1. Денов ш, Фаррухий кўчаси 6-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 550,0 кв.м., умумий ва фойдали майдони 298,84 кв.м. бўлган "Ошхона бостирмаси (навес)" мулкий мажмуаси, **бошланғич баҳоси — 57 779 000 сўм,** сотилиш баҳоси — 60 000 000 сўм.

**БИЛДИРИШНОМА**

**«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ**
**қуйидагиларни;**

2013 йил март ойида жамият томонидан Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АКнинг "Қўштепа савдо Инвест" МЧЖ Устав фондидаги 35,09 фоиз, **бошланғич баҳоси — 102108105** сўмлик улуши 109000000 сўмга сотилганини маълум қилади.

**Тел: (95) 404-54-84.**

Газетанинг 2013 йил 21 февралдаги 8(841)-сонида Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси 2013 йил 25 март куни "Объектлар"ни сотиш бўйича оммавий оферта савдосига таклиф этиш тўғрисидаги эълонга қуйидаги ўзгартиришлар киритилди:

Оммавий оферта савдолари Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 107-уй манзилида жойлашган бинонинг 1-қаватида бўлиб ўтади.

Оммавий оферта ўтказилиши ва ариза ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: 100077, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 107-уй.

**Тел. (8-371) 268-23-21, факс: 268-23-21.**

# «Микрокредитбанк»

## очиқ акциадорлик тижорат банки жамоаси




ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН

## «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг Тошкент шаҳар филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб борадиган тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарори, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2012 йил 30 апрелдаги 357-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 20 мартдаги 43к-ПО-сонли буйруғига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6"Б"-уй манзилида жойлашган, **бошланғич баҳоси** — 377 898 285 сўм бўлган (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) нотурар жой биноси қўйилмоқда.

— **Балансда сақловчининг номи:** Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

— **Фаолият-ихтисослиги:** Маъмурий бино — иншоотларни маълумот базасини яратиш ва уни такомиллаштириш.

Умумий майдони — 463 кв.м.

**Савдо 2013 йил 22 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.** Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 19 апрель куни соат 18:00.

Юқоридаги давлат активи 2013 йил 22 апрель куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 29 апрель ва 6, 13 май кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2013 йил 29 апрелдаги савдо учун 26 апрель куни соат 18:00; 2013 йил 6 майдаги савдо учун 3 май куни соат 18:00; 2013 йил 13 майдаги савдо учун 10 май куни соат 18:00.

Талабгорлар давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охирги кунгача, ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: х/р: 20208000204920609019, МФО: 01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Савдо натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Тўланган закалат давлат активи сотилиш баҳосининг 15 фоизидан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаши шарт.

**Буюртманомалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй. **Тел/факс** (8-371) 236-38-28. **Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16"А"-уй. www.1kms.uz. **rieltsavdo@inbox.uz.** Лицензия RR-0001

## «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг Хоразм вилоят филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб борадиган тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 июлдаги 145-сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат мулки бўлган объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Низоми, 2009 йил 29 январдаги 27-сонли қарори, 2012 йил 31 майдаги "Давлат мулки бўлган объектлардан келгусида самарали фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 154-сонли қарори, Давлат рақобат қўмитасининг 2013 йил 29 январдаги 02/11-351-сонли хати, Урганч туман ҳокимининг 2012 йил 9 августдаги 894к-сонли қарори ва Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантииш давлат қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 18 мартдаги № 13-АС- сонли буйруғига асоосан, Урганч туман ҳокимлиги ҳисобидаги, Урганч туман маркази Ибн Сино кўчаси, 12/1-уйда жойлашган, бошланғич баҳоси - 33 990 000 сўм бўлган (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) Дорихона бино ва иншоотлари қўйилмоқда.

— **Балансда сақловчининг номи:** Урганч туман ҳокимлиги.

— **Фаолият-ихтисослиги:** Маъмурий бошқарув.

Умумий майдони 48,83 кв.метр шундан қурилиш ости майдони 48,83 кв.м.

**Савдо 2013 йил 24 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.** Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 22 апрель куни соат 18:00.

Талабгорлар "Давлат активи" бошланғич баҳосининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охирги кунгача, АТИБ "Ипотека-банк" "Тинчлик" филиалидаги: 20208000004920609036 МФО: 00580, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Савдо натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантииш давлат қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Тўланган закалат давлат активи сотилиш баҳосининг 20 фоизидан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаши шарт.

**Буюртманомалар қабул қилинадиган ва аукцион ўтказиладиган манзил: Урганч шаҳар Й.Бобожонов кўчаси, 23-уйда бўлиб ўтади. rieltsavdo@inbox.uz Тел: (8-362) 226-32-63 www.1kms.uz Лицензия: RR-0001.**

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"Capital Realtor Group" МЧЖ Хоразм филиалида Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда 2013 йил 23 апрель куни соат 11:00 да, Хоразм вилояти, Урганч шаҳар, А.Баҳодирхон кўчаси, 185-уйда, объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоси ўтказилади:

Аукцион савдосига Урганч туман ҳокимининг 2012 йил 9 августдаги 893-К-сонли қарори ва Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 18 мартдаги 14-АС-сонли буйруғига мувофиқ, Урганч туман Ғалаба қишлоғида жойлашган, умумий майдони 1351,0 м.кв., қурилиш ости майдони 139,21 м.кв. бўлган "1-сон ФАП" биноси чиқарилган. Объектнинг бошланғич баҳоси - 60 743 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулк сотиб олиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳуқуқий ҳужжат нусхаси, бошланғич баҳонинг 15% миқдоридаги закалат пулини белгиланган тартибда "Савдо ташкилотчиси"нинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжатининг асл нусхаси билан биргаликда қабул қилинади. "Capital Realtor Group" МЧЖ Хоразм филиали ҳисоб рақами: № 20208000404927571006 АТБ "Савдогар"нинг Хоразм филиали, МФО 00552, СТИР: 207126662.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун "Заколат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб, закалат пули тўлаган талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2013 йил 22 апрель соат 17:00 да тўхтатилади.

Аукцион қатнашчиси аукцион ўтказилишидан бир соат олдин ёзма билдиришнома бериш йўли билан ўз аризасини қайтариб олиши мумкин.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан танишиш истагида бўлган талабгорлар "Capital Realtor Group" МЧЖ Хоразм вилоят филиалига эълон чиққан кундан бошлаб ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 16:00 га қадар мурожаат қилишлари мумкин.

**Манзил: Урганч шаҳри, А.Баҳодирхон кўчаси, 185-уй (2-қават).Телефон: 22-6-00-61.**

**Лицензия: RR-0017.**

ASAKA BANK

# ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

## “Асака” банк (ОАЖ) жамоаси

**Сизларни Наврўз байрами билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.**

## «НАВРЎЗ 2013»

**Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 13 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.**

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!**

**Сизнинг омонатларингиз:**
- **солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;**
- **маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;**
- **эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;**
- **миқдори чекланмаган.**

**“Асака” банк (ОАЖ) сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**Хизматлар лицензияланган!**

ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН

## Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш оммавий оферта йўли билан давлат активларини сотиш савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига асосан сотилиши белгиланган Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз туманида жойлашган, "Ўздаверлойиҳа" институти Қашқадарё бўлинмасига қарашли маъмурий ва ёрдамчи бино-иншоотлари Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 27-сонли қарорининг 2-иловаси билан тасдиқланган Низомга ва Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш Давлат комиссиясининг 2012 йил 21 март кунидаги 02-02-24-36-сонли йиғилиш баёнига мувофиқ оммавий оферта савдосига чиқарилмоқда.

**Сотиш учун таклиф қилинаётган давлат активининг тавсифи ва олди-сотди шартномалари тузиш шартлари:**

Объектнинг умумий ер майдони 785,0 $м^2$, шундан бино ва иншоотлар ҳамда бошқа қурилмаларнинг умумий ва фойдали майдони 449,63 $м^2$.

Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз туманида жойлашган, "Ўздаверлойиҳа" институти Қашқадарё бўлинмасига қарашли маъмурий ва ёрдамчи бино-иншоотларига 96 105 000 (тўқсон олти миллион бир юз беш минг) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш.

**Музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва манзили:** Музокаралар 2013 йилнинг 23 апрель куни соат 9:00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, А.Темур кўчаси 43-уйда, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасининг мажлислар залида ўтказилади.

**Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш санаси ва вақти:** 2013 йил 23 март кунидан (ҳар ҳафта душанбадан жума кунига қадар соат 9:00 дан бошлаб 18:00 гача) 2013 йил 22 апрель куни соат 18:00 гача.

Оммавий оферта савдоларига қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг оммавий оферта савдосига қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— Сотувчининг банк ҳисоб рақамига савдога қўйилган давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизи миқдорида закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси;

— оммавий оферта савдоси ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган талабгор таклифлари:

1. Сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

— Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Сотувчининг манзили:** 180112, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри А.Темур кўчаси 43-уй.

**Алоқа телефонлари:** (8375) 225-03-11, 225-02-48. факс: 225-02-31.

**E-mail: gkikashkadarya@mail.ru**

Мазкур давлат активларини савдога қўйилиши юзасидан аввалги берилган эълонлар бекор деб ҳисобланади.

Оммавий савдолар ўтказилиши жараёнида қонунбузилиш ва тамагирлик ҳолатлари ҳамда ноқонуний аралашувлар кузатилган ҳолларда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг (+99871) 259-21-78, 259-21-14 рақамларига мурожаат қилишингизни маълум қиламиз!

Huquq yuridik gazeta

Muassis: O’zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay`ati:
Hakimboy HALIMOV, Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV, Gulnoza RAHIMOVA, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o`rinbosari), Kamoliddin ASQAROV (mas'ul kotib v.b.)

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G’ulomov ko’chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53
Faks: 233-10-53, 233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
[1] – tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-6699. 54 187 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: D.XALILOV
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O`.DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.
ISSN 2010-7617

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda
Nashr ko'rsatkichi 231
Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko’chasi, 30-uy.

AGROBANK

*Xalq farovonligi faoliyatimiz mezoni*




www.agrobank.uz

